Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

O`zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

gazeta@adolat.uz ● www.adolat.uz ● № 32 (892) ● 2012 yil, 10 avgust, juma

# Судьялар ижтимоий ҳимояси

## Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларига тўла мос келади

**Муносабат**

Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга қаратилган алоҳида эътибор натижасида суд мустақиллиги таъминланди. Бугунга келиб ушбу идора инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қиладиган мустақил давлат институти сифатида ўзини тобора кенгроқ намоён этаётир.

Яқинда Давлатимиз раҳбарининг матбуотда эълон қилинган «Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ушбу ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур ҳужжат соҳадаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариб, тизим ходимларининг масъулиятини, айни пайтда ижтимоий ҳимоясини янада оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир.



Феруза ОМОНОВА,
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси, ҳуқуқшунос

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, судьялар меҳнати моддий таъминотига бундай эътибор қилиниши, уларнинг ижтимоий ҳимоясининг кучайтирилиши, айниқса, Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларига тўла мос келади. Чунки партиямиз дастурида белгиланганидек, партия мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш тарафдори.

Қолаверса, партия парламентдаги ўз вакиллари орқали суд органларининг бошқа барча ҳокимият бўғинларидан мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, суд қарорларини қабул қилишда уларнинг фақат қонунга бўйсуниши, одил судловни амалга ошириш ҳамда умумэътироф этилган принципларга бўйсунишига қаратилган фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларни илгари суради. Суднинг демократлиги, холислиги ва ҳар қандай фуқаро ундан фойдаланишини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини янада кенгайтириш партиянинг устувор вазифалари сирасига киради. Партия суд ҳокимияти обрўсини мустаҳкамлаш тарафдори. Зеро, кучли ва адолатли суд ҳокимияти бўлмаган жойда қонун ва адолат талаблари бузилиши муқаррар.

Мазкур Фармон замирида катта маъно-мазмун мужассам. Эътибор беринг, судьялик касбида ишлаётган ходимлар одил судловни амалга оширадилар. Одил судлов эса, албатта, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассаса ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилади. Шундай экан, бу борада судьянинг мақоми, билими ва вазифасига муносабати билан бир қаторда, унинг моддий ва ижтимоий дахлсизлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Давоми 2-бетда



**Озод юрт — обод юрт**

# Янгиланаётган Асака

## истиқлол шарофати ила тобора яшариб, гуллаб-яшнаб бормоқда






Бугун асакаликлардан «Истиқлол сизга нима берди?» деб сўрасангиз, «Эркинликни, ҳурликни берди», дея жавоб қайтаришади. Яна фахр билан қўшиб қўйишади:

— Жонажон Ўзбекистонимиз билан бирга Асаканинг номини ҳам эллар аро машҳур қилди.

Қалбларда ифтихор туйғуларини уйғотган бу гапларнинг замирида эса айни ҳақиқат, чуқур маъно мужассам.

Давоми 6-бетда

# Фармон

## илмий тадқиқотлар самарадорлигини таъминлайди

Давлатимиз раҳбарининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган аниқ мақсадли чора-тадбирларни янада такомиллаштириш, тизимни халқаро стандартларга тўла мослаштиришга бевосита хизмат қилади.

Мамлакатнинг илмий, иқтисодий, маданий-маърифий салоҳиятини янада ошириш, мустақил диёримизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашда олий таълим тизимининг бугунги юксак талабларга жавоб бериши, ўқув-тарбия ишининг самарадорлиги, илмий педагогик кадрларнинг салоҳияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки миллий тараққиётга илм-фан чўққиларини эгаллаган, қалбида Ватан туйғуси жўш урган, истиқлол ғояларига садоқатли ёшларнинг илмий-ижтимоий фаоллиги туфайли эришилади. Шу боис, Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун ҳамда шу қонун асосида қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да кадрлар тайёрлашда бундан буён битирувчиларнинг сонига эмас, сифатига, илмий салоҳиятига эътибор бериш, таълимни ишлаб чиқариш амалиёти билан бевосита боғлаш зарурлиги каби масалалар кун тартибига қўйилди. Соҳа мутасаддилари олдига таълим тизимини жамиятда амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўналишига мослаш, педагогик фаолиятда илғор дунёвий усуллардан кенг фойдаланишни амалиётга жорий этиш муҳим вазифалардан бири сифатида эътироф этилди.

Давоми 4-бетда

## Ташқи сиёсий фаолият концепцияси

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади

3

# Назорат ва мониторинг кузатувлари —

## қонунийликни ўрнатишнинг муҳим усуллари

**Концепция: устувор вазифалар**

Демократик ҳуқуқий давлатда қонунийлик муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ўз фаолиятини қонунийлик принципига асосланган ҳолда амалга оширишини, давлат органлари, мансабдор шахслар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўришларини таъминлайди.

Давлат бошқарувида қонунийлик бу ижтимоий ҳаётда муҳим бўлган масалалар бўйича барчанинг қонун олдида тенглиги ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқлигидир.

Давоми 5-бетда

# Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилмоқда

**Фракция йиғилиши**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Давоми 4-бетда

## Нанотехнологиялар истиқболи

малакали кадрлар тайёрлашга боғлиқ

5

# Судьялар ижтимоий ҳимояси

## Ўзбекистон «Адолат» СДП мақсад ва вазифаларига тўла мос келади

Давоми. Боши 1-бетда

Яна бир эътиборли жиҳат, мазкур ҳужжатга мувофиқ, фуқаролик ишлари бўйича судларнинг оптималлаштирилиши ҳақида тегишли идораларга топшириқ берилди. Бу нафақат судлар фаолиятининг янада самарали бўлишига хизмат қилади, балки фуқароларнинг судга мурожаат қилишлари учун янада кенг имкониятлар яратади.

Шунингдек, партиямиз дастурида соҳани малакали, етук кадрлар билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, бу масала бугунги кунда долзарб ҳисобланади. Фармонда эса юридик таълимни янада такомиллаштириш, ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари ҳам қамраб олинганлиги эътиборга сазовор.

Мухтасар айтганда, ушбу Фармон Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида илгари сурилган ғоя ҳамда таклифларни изчил рўёбга чиқаришда муҳимлиги билан ҳам аҳамияти катта.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий этилди. Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишини кучайтириш, жиноятга оид сиёсатни эркинлаштириш, суд ишларини юритиш қоидаларини такомиллаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш юзасидан бир бирини тўлдириб борувчи тизимли давомий ишлар амалга оширилди.



**Ойша АХУНОВА,**
Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзоси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармонини суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамиятини янада оширишга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида эътироф этиш лозим.

Фармонни ўқир экансиз, унда нафақат судьяларнинг меҳнат ҳақи, судьялар ва суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларнинг лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдорини ошириш балки юридик таълимни янада такомиллаштириш, соҳани етук кадрлар билан таъминлаш, биринчи марта тайинланган (сайланган) судьяларнинг малакасини ошириш ва бошқа бир неча йўналишдаги қатор масалалар қамраб олинганлигининг гувоҳи бўласиз.

Мазкур ҳужжатда судьялар, суд идоралари мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдорини ошириши назарда тутилган. Бу эса уларнинг вазифага бўлган муносабатдаги масъулиятларини янада оширишга олиб келади.

Шунингдек, Фармонда судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судида мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташлик масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги ва бу борада амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар тайёрлаш масаласига эътбор қаратилиши бугунги кунда ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мажбурий тайёргарлик ва стажировка ўташ, биринчи навбатда, ёш судьяларнинг касбий тажрибасининг шаклланишига, иккинчи томондан улар томондан кўриб чиқиладиган ишлар сифатига самарали таъсир кўрсатиш имкониятини беради.

Фармонда фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкламасини, туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқиш масаласини қўйилганлиги нафақат соҳа мутахассислари манфаатларига мос келади, балки турли низолар билан фуқаролик судларига мурожаат этаётган фуқароларга ҳудудий қулайлик туғдиради.

Унда нафақат судьялар ва суд ходимларининг моддий таъминоти ва ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш, балки бу орқали судьяларнинг мустақиллигини янада кучайтириш, суд ишларини кўриб чиқишда уларнинг холислигини таъминлаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий эркинлиги ва қонуний манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилишни янада яхшилаш мақсадлари назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда қонун ва қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган, давлат ҳокимиятининг ғоят муҳим тармоғи бўлган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича амалга оширилаётган узоқ муддатли ислоҳотлар самарадорлигини ошириш йўналишида муҳим аҳамият касб этади.



**Худоёр МАМАТОВ,**
Самарқанд вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи

Истиқлол йилларида Давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳбарлиги остида ҳокимият тармоқларининг бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, бу тармоқни собиқ тузум пайтида бўлган қатағон ва жазолаш қуролидан қонун ҳимоясида турадиган адолатли мустақил институтга айлантириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Чунончи, суд кадрларини тайёрлаш, танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизими яратилди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ташкил этилди. "Судлар тўғрсида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал қонунчилигига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим вазифаси мамлакат ҳаётида қонунийликни таъминлаш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, асоссиз жиноий таъқиб ва шахсий ҳаётга аралашишга йўл қўймаслик, шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш деб белгиланди.

Ҳаёт муттасил ўзгариб бормоқда, одамларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, жамият ҳаётидаги ижтимоий фаоллиги ошиб бормоқда. Шу муносабат билан бошқа соҳалар қатори, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ислоҳотларни изчиллик билан давом эттириш кун тартибида турибди. Давлатимиз раҳбари таклиф этган Концепцияда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган янги, янада муҳим вазифалар аниқ белгилаб берилган.

Шу ўринда эътироф этиш зарурки, "Адолат" социал-демократик партиясининг Низоми ва ҳаракат дастурида мамлакатимизда адолатлилик ғоясининг устувор бўлишига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш — партиянинг асосий мақсади эканлиги алоҳида таъкидланган. "Партия парламентдаги ўз вакиллари орқали суд органларининг бошқа барча ҳокимият бўғинларидан мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, суд қарорларини қабул қилишда уларнинг фақат қонунга бўйсуниши, одил судловни амалга ошириш ҳамда умумэътироф этилган принципларга бўйсунишига қаратилган фаолиятининг ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни илгари суради", деб таъкидланади дастурда. Шундан келиб чиқиб, партиянинг парламентдаги фракцияси аъзолари ташаббуси билан "Прокуратура тўғрисида" ва "Судлар тўғрисида"-ги Қонунларга бир неча муҳим қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Амалга оширилаётган муҳим ўзгаришларга қарамай, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, бу тармоқни босқичма-босқич такомиллаштириб бориш борасида ҳали кўп ишлар амалга оширилиши зарур. Президентимизнинг Фармонида таъкидланганидек, ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлили шундан далолат берадики, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамиятини таъминламасдан, уларнинг ваколатлари ва мустақиллигини кучайтирмасдан туриб мамлакатни сиёсий ва иқтисодий янгилаш ва модернизация қилишда муваффақиятга эришиб бўлмайди. Чунончи, 2010 йилнинг 12 ноябрида қабул қилинган ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да зикр этилган муаммоларни ҳал этиш, суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини муҳофаза қилиш учун ҳам ҳуқуқий ва социал кафолатларни кучайтириш талаб этилади.

Шу муносабат билан, Фармонда умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьяларининг ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари, Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари (ҳарбий судлардан ташқари) ва хўжалик судлари судьялари ҳамда мазкур суд идораларининг мансаб даражасига эга бўлган ходимларининг алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдорлари тасдиқланди. Шунингдек, судьяларнинг даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилинди.

Фармонга мувофиқ, судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш, турар жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб боришни кўзда тутадиган тартиб жорий этилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда фуқаролик ишлари бўйича судлар судьяларининг мавжуд иш юкламасини, туманлараро судларнинг ўзларига бириктирилган ҳудудларга нисбатан қанчалик олисда жойлашганини ўрганиб чиқиш ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судлар тизимини оптималлаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифаси топширилди. Адлия вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун тайёрлайди.

Давлатимиз раҳбари таклиф этган Концепцияга биноан, мамлакатимизда суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, ҳар жиҳатдан одил судлов тизимини таъминлаш, фуқароларнинг адолатли суд муҳокамасига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ушбу Фармонда кўзда тутилган имтиёзлар боис, янада самарали бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон мустақиллиги қўлга киритилганидан сўнг демократик ҳуқуқий дунёвий давлат ва фуқаролик жамиятининг барпо этилиши, ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтилиши, халқаро ҳамжамият томонидан умумэътироф этилган шахс ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигининг тан олиниши муносабати билан суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислоҳ қилиниши лозим бўлган соҳалардан бири сифатида эътироф этилди. Зеро, янги, мустақил, демократик суд-ҳуқуқ тизимисиз мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётини тўлақонли тасаввур этиш мумкин эмас.



**Қумринисо АБДУРАСУЛОВА,**
юридик фанлар доктори, профессор

Мазкур тизимни ислоҳ этиш босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу борада суд ҳокимиятини изчиллик билан мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ишончли ҳимоя этишга хизмат қиладиган, том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотнинг асосий мақсади фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш эҳтиёжларига тўла жавоб берадиган, инсоннинг одил судловга бўлган ишончини таъминловчи ва кафолатловчи механизм ва тартиб-тамойилларни шакллантириш эканлигидан келиб чиқиб, суд ҳокимияти ривожининг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда давлат ҳокимиятининг эркин, мустақил ва кучли тармоғи бўлган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, конституциявий тузумни, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган суд ҳокимиятини шакллантириш бўйича жиддий ва самарали чоралар кўрилди. Жумладан, суд ҳокимияти мустақиллиги, эркинлиги ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида 2000 йилда "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ судьяларни тайинлаш (сайлаш)нинг самарали ва демократик механизми яратилди, умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилди.

Мамнуният ва ғурур билан таъкидлаш жоизки, юртимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари инсон ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида, халқаро андозаларга мос равишда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда суд ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган ва улар тобора такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 114-моддасига кўра, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ҳамда 2007 йил 1 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида суд ҳужжатлари ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий воситалари ишлаб чиқилган.

Юқорида айтилганларнинг тадрижий давоми сифатида 2012 йил 2 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони эълон қилинди. Ушбу фармонда ривожланган демократик давлатларнинг тажрибаси ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича ўтган давр давомидаги ишларнинг танқидий таҳлил этилганлиги, суд органларининг давлат бошқарувидаги роли ва аҳамиятини янада оширилиши зарурлиги таъкидланган. Фармонда суд тизими ходимларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари, шунингдек, уларга қатор имтиёзлар берилиши назарда тутилган. Мазкур фармоннинг 6-бандида юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини кўриб чиқиш учун киритилиши назарда тутилган. Фикримизча, юқоридаги чора-тадбирлар судьяларнинг мақомини юқори поғонага кўтариш билан бирга улар зиммасидаги масъулият ва компетентликнинг янада оширилишини назарда тутади.

Мазкур Фармон Республикамизда инсон ва унинг ҳуқуқлари олий қадрият деб тан олинганлиги ва уларнинг муҳофазаси, ҳимояси инсонпарварлик, одиллик, демократизим ва умумэътироф этилган принциплар асосида олиб борилаётганлигининг яна бир далилидир.



**Абдурасул ЭРАНОВ,**
Фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилоят суди раиси

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Концепцияда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда эълон қилинган Фармон аввало суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, уни ўтмишдаги қатағон ва жазолаш қуролидан қонун ҳимоясида турадиган чинакам мустақил институтга айлантириш, шунингдек, суд кадрларини танлаш ва жой-жойига қўйишнинг замонавий демократик тамойилларга асосланган тизимини яратишга қаратилган.

Судьялар меҳнати моддий таъминотига бундай эътибор қилиниши, уларнинг ижтимоий ҳимоясининг кучайтирилиши ҳар биримизга фахру ифтихор бахш этади. Бундай эътибор бизга улкан масъулият ҳам юклайди. Зотан, судьялик касбида ишлаётган ходимлар одил судловни амалга оширадилар. Одил судлов эса фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхона, муассаса ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш демакдир. Шундай экан, бу борада судьянинг мақоми, билими ва вазифасига муносабати билан бир қаторда, унинг моддий ва ижтимоий дахлсизлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, мазкур ҳужжатга мувофиқ фуқаролик ишлари бўйича судларнинг оптималлаштирилиши ҳақида Юртбошимиз томонидан тегишли идораларга топшириқ берилиши фуқароларнинг судга мурожаат қилишлари учун янада кенг имкониятлар яратади. Шу билан бирга, судлар фаолиятининг янада самарали бўлишига хизмат қилади.

Табиийки, соҳани малакали, етук кадрлар билан таъминлаш масаласи ҳам бугун долзарб ҳисобланади. Шу туфайли Фармонда юридик таълимни янада такомиллаштириш, ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари қамраб олинганлиги эътиборга сазовор.

**Фармонда юридик таълимни янада такомиллаштириш, ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалалари қамраб олинганлиги эътиборга сазовор.**

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг ушбу Фармони Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ҳамда таклифларни изчил рўёбга чиқаришда муҳим роль ўйнайди.

**Депутат минбари**

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида парламентга киритилган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди. Ўзбекистон "Адолат" СДП фракцияси аъзолари мазкур қонун лойиҳасини мамлакатимизнинг узоқ йилларга мўлжалланган ташқи сиёсат стратегиясини белгилаб берувчи ўта муҳим ҳужжат сифатида баҳоламоқдалар.

# Ташқи сиёсий фаолият концепцияси

## Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясини янада чуқурлаштиришга хизмат қилади

Ушбу Концепция мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсати учун ўта долзарб бир паллада қабул қилинмоқда. Глобаллашув ҳамда ҳозирги дунёда вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, сиёсий ва иқтисодий кучлар жойлашувида рўй бераётган ўзгаришлар, минтақада ва Ўзбекистоннинг шундоқ ёнгинасида таҳдидлар, террорчилик кўринишидаги хавф-хатарлар ва кескинликнинг кучайиши халқаро ва минтақавий воқеликка ўз вақтида ва муносиб жавоб қайтариш давлат ташқи сиёсатининг концептуал асосларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ушбу Концепция лойиҳаси ўтган мустақил тараққиёт йиллари давомида мамлакатимизда ташқи сиёсат борасида тўпланган миллий тажрибани умумлаштириш, қолаверса, илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш асосида ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳозирги даврнинг мураккаб хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз ташқи сиёсатининг ўрта ва узоқ муддатли стратегик мақсад ва вазифаларини ўзида мужассам этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, истиқлолнинг илк йилларида ташқи сиёсат соҳасида кўпгина ишларни «нолинчи» нуқтадан бошлашга тўғри келди.

Энг аввало, Ўзбекистон ташқи сиёсий муносабатларининг асосий тамойиллари, яъни келгусидаги амалий қадамларимизнинг назарий пойдевори белгилаб олинди. Шуниси эътиборга моликки, республикамиз хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишда халқаро муносабатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги, ташқи алоқаларни икки томонлама келишувлар асосида ривожлантириш каби тамойилларга қатъий амал қилмоқда.

Шу пайтга қадар мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасида ўз салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда Президентимиз бошчилигида аниқ ва узоққа мўлжалланган сиёсат олиб борди, деб айтиш учун тўлиқ асос бор. Мамлакатимиз халқаро майдонда умумбашарий ва минтақавий аҳамиятга молик бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Ёш республикамиз жаҳон майдонида ўз мустақил сиёсати билан қатнашар экан, минтақавий ва умумбашарий миқёсда қабул қилинаётган қарорларда унинг ташаббуслари кўпроқ инобатга олинмоқда. Ана шундай ташаббуслар қаторида Афғонистонда тезроқ тинчлик ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатларни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Яна бир мисол, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги ёрқин саҳифаларидан бири Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш масаласида ўз ифодасини топди: айнан Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан 2006 йилда Марказий Осиё минтақаси ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилинди.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг асосийси, Ўзбекистон тарихан қисқа бир даврда жаҳон ҳамжамиятига қўшилди, халқаро ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда фаол қатнашаётган нуфузли давлат даражасига кўтарилди.

Шу нуқтаи назардан, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувни янада чуқурлаштириш Ўзбекистон ташқи сиёсати олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси лойиҳасида ўтган даврни таҳлил қилиш асосида бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар бирма бир санаб ўтилган. Бунинг учун халқаро ташкилотлар, халқаро минтақавий ташкилотлар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантириш мақсадга мувофиқлиги Концепция лойиҳасида ўз аксини топган.

Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти Концепциясида қатор принципиал аҳамиятга молик бўлган илғор прогрессив ғоялар ўз аксини топган:

Ўзбекистон ўз миллий манфаатлари ҳамда амалдаги қонунчилиги ва халқаро мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда бошқа давлатлар билан иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши мумкин, шунингдек улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон ҳудудида хорижий давлат ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўйилмайди;

Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фақат давлат суверенитети ва мамлакат ҳудудининг яхлитлигини ҳимоя қилиш, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини асраш мақсадидагина тузилади ҳамда хориждаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этмайди. Шу ва шу каби ҳаётбахш, тинчликпарвар ва прогрессив ғоялар мазкур Концепция лойиҳасининг мазмун-моҳиятини ташкил қилади.

Концепциянинг "Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари" деб номланган 3-бобида ташқи сиёсатимиздаги устувор йўналишлар бирма-бир санаб ўтилган бўлиб, асосий устувор йўналиш сифатида Марказий Осиё минтақаси қайд этилганлиги бежиз эмас, албатта. Чунки мамлакатимизнинг ҳаётий муҳим манфаатлари бу минтақадаги "ён қўшни — жон қўшни" мамлакатлар билан чамбарчас боғлиқдир. Сўнгги йилларда Марказий Осиё минтақаси ўзининг геосиёсий ва геостратегик аҳамияти, катта миқдордаги минерал ва хом-ашё ресурслари туфайли, халқаро майдонда жиддий эътибор объектига айланиб бормоқда.

Концепция лойиҳасида яна бир илғор ғоя — "Марказий Осиё муаммоларининг ташқи кучлар аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилиши зарур"лигини алоҳида қайд этиш жоиз. Тан олиш керакки, бу ўта принципиал ёндашув бўлиб, Ўзбекистоннинг минтақадаги барча долзарб сиёсий, иқтисодий, экологик ва бошқа турли муаммоларни ҳам ўзаро манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қилиниши тарафдори эканлигини билдиради. Бошқача айтганда, минтақадаги мавжуд муаммолар ва масалалар Марказий Осиё халқлари томонидан ўзаро ҳамжиҳатлик ва муроса йўли билан ҳал қилиниши керак, четдан туриб бизга бу муаммоларни ҳеч ким ҳал қилиб беролмайди. Бу ғоя Концепция лойиҳасининг квинтэссенциясини ташкил қилади, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.



**Қодир ЖЎРАЕВ,**
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси,
сиёсий фанлар доктори

Концепция лойиҳасида, шунингдек, МДҲ мамлакатлари, Россия, АҚШ, Европа мамлакатлари, Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур каби давлатлар, Жанубий Осиё мамлакатлари, Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистон, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, ҳатто жуғрофий жиҳатдан анча олисда жойлашган Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзасининг етакчи давлатлари ва Африка қитъасидаги мамлакатлар билан, шунингдек қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳар томонлама ва ўзаро манфаатли муносабатларни янада ривожлантириш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида қайд этилган бўлиб, бу бизнинг фундаментал миллий манфаатларимизга тўлиқ мос тушади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси лойиҳасининг асосий жиҳатлари "Адолат" СДПнинг дастурий мақсад ва вазифалари билан ҳамоҳангдир. Чунончи, "Адолат" СДП сайловолди дастурининг "Ташқи сиёсат: миллий манфаатлар устуворлиги" деб номланган бобида партиямиз "миллий манфаатларга асосланган ва мамлакатимизда тинчлик, тотувлик ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган фаол ташқи сиёсий фаолиятни қўллаб-қувватлаши" таъкидланган.

"Адолат" социал-демократик партияси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш; инновацион технологияларга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш; маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш тарафдори бўлиб, бу эса мамлакатимизнинг янада фаол ташқи сиёсат олиб боришини ва халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувини янада чуқурлаштиришни тақозо этади. Шундай экан, Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси лойиҳаси қўллаб-қувватлаш баробарида уни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш "Адолат" СДП ва унинг фракцияси олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепциясининг қабул қилиниши, шак-шубҳасиз, давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлашга, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада кучайтиришга, ривожланган демократик давлатлар сафидан жой олишига, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши қўшничилик маконини яратишга яқиндан кўмаклашади.

# Ваколат ҳам, имконият ҳам етарли

## фақат бундан оқилона фойдаланиш керак

**Депутатлик гуруҳларида**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлган сиёсий партияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» бу жараёнда янада муҳим аҳамият касб этиб, юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби сиёсий партиялар фаолиятида ҳам янги босқични бошлаб берди. Жумладан, Концепцияга мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонуни сиёсий партияларнинг ваколатини янада кенгайтирди. Алоҳида таъкидлаш ўринлики, моҳиятан кенг кўламли бўлган ушбу муҳим жараён юртимиздаги мавжуд сиёсий партиялар, шу жумладан, «Адолат» социал-демократик партияси учун ҳам, таъбир жоиз бўлса, навбатдаги катта синов даврини бошлаб берди.

Қолаверса, Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жипслашган жамиятни шакллантириш жараёнларида ўз ролини кучайтиришни мақсад қилиб қўйган.

Ана шундай масъулиятли паллада партиянинг маҳаллий вакиллик органларидаги вакиллари — маҳаллий Кенгашлардаги депутатларидан, айниқса, янада фаоллик талаб этилади.

Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Тезкор даврга ҳамоҳанг равишда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар депутатлар фаолиятини янги босқичга кўтаришни тақозо этмоқда. Бу жараёнда эса белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш кўп жиҳатдан депутатлар салоҳиятига боғлиқ бўлади.

Қайд этиш жоизки, маҳаллий депутатлар ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан тегишли тадбирлар режаси тасдиқланган бўлиб, шунга мувофиқ Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбарлари учун давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишдаги тарғибот-ташвиқот тадбирлари бўйича махсус ўқув курслари ўтказилди.

Ҳаётга татбиқ этилаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш ва англаб етиш ижтимоий, ҳуқуқий аҳамиятга молик вазифалардан бири саналиб, уларни кенг тарғиб-ташвиқ қилиш аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятининг ўсишига кўмак беради. Ушбу жараёнда Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ҳам фаол иштироки янада муҳим ўрин тутмоғи керак. Зотан, партиямиз бугун мамлакатимиздаги рақобатбардош сиёсий кучлардан бири сифатида демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга ўзининг ижтимоий-сиёсий идеалларидан бири деб қарамоқда. Шундай экан, қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини кенг оммага етказиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Айнан шу мақсадда Ўзбекистон «Адолат» СДП халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳи Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда Концепция тарғиботи ва унда алоҳида эътибор қаратилган йўналиш ҳамда вазифалар моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишга даъват этилган семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар, сиёсий ўқувлар ташкил этиб келмоқда.

Партиямиз вилоят Кенгаши билан ҳамкорликда вилоятдаги Олий ўқув юрти талабалари ўртасида уюштирилган «Энг билимли ёш сиёсатчи» танлови ҳам айнан Концепция мазмун-моҳиятини ва белгиланган устувор йўналишлардаги вазифаларни ўрганишга қаратилди.

Шунингдек, депутатлик гуруҳимиз ҳудудлардаги ижтимоий аҳволни ўрганишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, Оҳангарон туманидаги қатор мактабгача таълим муассасалари ва мактаблари фаолияти ўрганилди. Йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар аниқланиб, тегишли муассасаларга аниқ тавсиялар берилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида депутатларимиз ташаббуси билан вилоятнинг олис ҳудудларида аҳоли билан бевосита учрашувлар ташкил этиш доимий йўлга қўйилган. Ана шундай тадбирлар Ангрен шаҳридаги Лашкарак, Нишбош ва Облиқ маҳаллаларида, Оҳангарон туманининг Гўшсой қишлоғида ташкил этилди. Олмалиқ шаҳридаги кончилик институтида эса таниқли сиёсатшунос олимлар, сиёсий шарҳловчилар каби соҳа мутахассислари билан бирга учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, депутатлик гуруҳимиз фаолиятини бугунги кун талабларига тўла жавоб беради, деган фикрдан йироқмиз. Фаолиятимизда баъзи камчиликлар мавжудки, бу эришилган ютуқларга соя солмоқда. Масалан, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига қаратилган депутатлар ташаббуслари етарли бўлмаяпти. Ёки ана шундай масалалар маҳаллий сессия кун тартибига олиб кирилишида ҳам айрим депутатларимизда фаоллик етишмаяпти.

Бугун сайловчилар ўз депутатларидан амалий ишлар кутмоқда. Бундай ишларни амалга оширишда эса депутатлардан фақат амалий ҳаракатлар талаб этилади. Зеро, депутатлар учун мамлакатимизда ваколат ҳам, имконият ҳам етарли. Фақат бундан оқилона фойдаланиш керак.

**Зарифа ЭРАЛИЕВА,**
Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати



# Натижа қуйи бўғинлар фаоллигига боғлиқ

**Бошланғич ташкилот — партия негизи**

Ўзбекистон «Адолат» СДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши фаоллари ҳам партиянинг дастурий ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш орқали унинг омма ўртасидаги мавқеини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратмоқдалар.

Энг муҳими, бу борада нафақат Республика Кенгаши, балки туман кенгашлари, айниқса, БПТ аъзолари ҳам фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишмоқда.

Чимбой тумани партия кенгаши бугун ўз атрофига 300 нафарга яқин аъзони бирлаштирган. Улар 30 га яқин бошланғич ташкилотларга уюшган. Туман партия кенгаши фаоллари шу кеча-кундузда бошланғич ташкилотлар билан биргаликда ташкилий-сиёсий ва тарғибот ишларини янада кучайтирмоқдалар. Жойларда ўтказилаётган тадбирлар кўламини оширишга, савиясини яхшилашга катта эътибор берияпти. Аҳоли билан алоқани янада мустаҳкамлашга, партия сафларини юрт тараққиёти учун курашга бел боғлаган янги аъзолар билан тўлдиришга ҳаракат қилинмоқда.

Чимбой туман бирлашган касалхонасидаги қуйи бўғин жойларда партия ғояларини тарғиб этишда маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришаётгани яхши самара бермоқда. Депутатлар ва партия фаоллари кўмагида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида ҳозиргача 10 дан ортиқ йирик тадбирлар ўтказилгани сўзимиз тасдиғидир. Давлат дастури ижроси юзасидан ўтказилаётган тадбирлар кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, «Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш», «Оила — жамият таянчи», «Аёлга эътибор — миллатга эътибор», «Қариси бор уйнинг париси бор», «Спорт — соғлом оила» каби мавзуларда ана шундай тадбирлар ташкил этилди. Уларда турли соҳа мутахассислари, малакали олимлар ҳамда ёшлар фаол иштирок этишди. Шунингдек, туман хотин-қизлар қўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган турли кўрик-танловлар, давра суҳбатлари ҳам партия мавқеини оширишга хизмат қилаётир.

Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши БПТ сафларига бир қатор иқтидорли ёшларни жам қилишга эришганлиги ҳам, айниқса, эътиборлидир. Палвон Умаров ана шундай иқтидорли ёшлардан. У яратган инновацион лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Шу кунларда сувдан тежамкорлик билан фойдаланишни кўзлаган ушбу инновацион лойиҳадан экин майдонларини суғориш ишларида фойдаланилмоқда.

— Партия дастури билан танишганимда инновацияга кенг ўрин берилган банди эътиборимни тортди, — дейди ёш ихтирочи. — Партияга аъзо бўлдим ва ўз ихтиромни партия кўмагида ҳаётга татбиқ этишга эришдим.

Бугун Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши таркибидаги БПТлар сонини у даражада кўп деб бўлмасада, эътирофга лойиқ қуйи ташкилотлари мавжуд. Аммо баъзи туман ва шаҳар ташкилотлари таркибидаги бошланғич ташкилотлар фаолиятида муаммо ва камчиликлар учраб турибди, яъни БПТ раиси ҳамда аъзолар ўртасида доимий равишда мустаҳкам алоқа ўрнатилмаган. Жамоатчилик қабулхоналарига тушаётган мурожаатлар ўз вақтида ўрганилмаётганлиги ҳам бор гап. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси партия Кенгаши таркибида ишчи гуруҳи тузилди. Фаоллар ва маҳаллий Кенгаш депутатларидан таркиб топган ишчи гуруҳ айни вақтда жойларда БПТ фаолиятини ўрганмоқдалар. Шу билан бирга, сиёсий ўқувлар ташкил этилиб, улар керакли тарқатма материал ва қўлланмалар билан таъминланмоқда.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

# Фармон

## илмий тадқиқотлар самарадорлигини таъминлайди

Давоми. Боши 1-бетда

Ёш мустақил мамлакат ҳаётида ғоят мураккаб муаммолар мавжуд бўлиб турган бир шароитда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш миллий истиқлолимизнинг бош мақсади — халқимиз ҳаётини фаровонлаштириш, янги баркамол авлодни тарбиялаш мақсадига тўла мос эди. Бу вазифа ўтиш даврида бўлгани каби бугун ҳам ўзининг долзарб аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида таълим соҳасини ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди, хусусан, умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларидан иборат узлуксиз таълимнинг яхлит тизими яратилди. Энг муҳими, олий таълимнинг замонавий халқаро стандартларга мос икки босқичли тизими — бакалавриат ва магистратура йўлга қўйилди. Стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институтлари шаклланди, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш сезиларли даражада яхшиланди.

Шу билан бирга, Фармонда таъкидланганидек, илмий кадрларни аттестациядан ўтказишнинг амалдаги икки босқичли тизими (фан номзоди ва фан доктори) иқтисодий ривожланган демократик мамлакатларда қабул қилинган олий малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг замонавий, халқаро тан олинган талабларига тўла мос келмайди. Чунончи номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш ва фан номзоди илмий даражасини тасдиқловчи дипломни олиш кўп ҳолларда фан ва илмий-техникавий ривожланиш манфаатларидан йироқ бирдан-бир мақсад бўлиб, диссертацияни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш босқичларида маълум суиистеъмолчилик ҳолатларига ҳам олиб келмоқда. Таълим тизимида бакалавриат ва магистратура йўлга қўйилганидан кейин номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш моҳиятан ортиқча бўлиб қолди.

Шундан келиб чиқиб, Фармонда 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб, умум қабул қилинган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ диссертация ҳимоя қилиш ва фан доктори илмий даражасини бериш бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг бир босқичли тизимини жорий қилиш, стажёр-тадқиқотчи-изланувчи институтини бекор қилиш, унда таълим олаётган шахсларни диссертация тадқиқотлари мавзуларини танқидий қайта кўриб чиқиш асосида катта илмий ходим-изланувчилар институтига ўтказиш кўзда тутилади. Фан доктори илмий даражаси "магистр" даражаси билан олий маълумотга эга бўлган, катта илмий ходим-изланувчилар институтида илмий изланишлар натижаларига кўра докторлик диссертациясини ҳимоя қилган шахсларга тегишли фан йўналиши бўйича фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгашлар томонидан берилади. Фан номзоди илмий даражасига эга бўлган барча шахслар учун тегишли имтиёзлар ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган молиявий тўловлар миқдори, шунингдек, профессор, доцент ва катта илмий ходим илмий унвонларини бериш тартиби сақлаб қолинади.



Ушбу Фармон мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини, диссертацияларнинг илмий ва амалий аҳамиятини янада ошириш, бу борадаги ортиқча расмиятчиликларга барҳам бериш имконини яратиши шубҳасиз. Табиийки, Фармонда кўтарилган масалалар Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг мақсад ва вазифаларига ҳамоҳангдир. Партия ўз фаолиятини олиб боришда, шубҳасиз, электорати саналмиш илм-фан вакилларига таянади. Мамлакат салоҳиятининг ортиб бориши, инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш вазифаси кўпроқ ана шу қатлам зиммасида. Демак, юқоридаги Фармон таълим сифатининг ошишига, фундаментал илм-фанни ривожлантиришга, илм-фан ва таълимга инвестициялар, шунингдек, янги технологияларни жалб қилишга кўмаклашади. Бу, ўз навбатида, олимларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш демакдир. Шу сабабли Ўзбекистон "Адолат" СДП ва унинг жойлардаги фаоллари Фармон ижросини амалга ошириш ишида ҳам фаол қатнашадилар.

**Собир ТУРСУНОВ,**
Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси, педагогика фанлари доктори

# Сайлов қонунчилиги янада такомиллашмоқда

Давоми. Боши 1-бетда



Фракция аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда партия фаоллари иштирок этган йиғилишда "Сайлов эркинлигининг бундан буён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, Парламент қуйи палатасидаги бир гуруҳ депутатларнинг қонунчилик ташаббуси билан кун тартибига киритилаётган мазкур қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгилаб берилган сайлов қонунчилигига оид устувор вазифалар ижроси асосида ишлаб чиқилди.

— Ушбу қонун лойиҳаси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўтказилган турли семинар ва давра суҳбатлари, халқаро конференцияларда тегишли ташкилот ва идоралар вакиллари томонидан атрофлича муҳокама қилиниб, уларда билдирилган қатор таклиф ва тавсиялар умумлаштирилди, — деди Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов. — Шунингдек, қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида сайлов ҳуқуқига оид халқаро ҳужжатлар, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқарпо Пакт, қолаверса, АҚШ, Канада, Франция, Германия, Ипания, Жанубий Корея ва Япония сингари ривожланган давлатларнинг сайлов қонунчилиги қиёсий таҳлил қилинди.

Қонун лойиҳасида сайловолди ташвиқоти жараёнининг моҳиятини очиб бериш ва унинг бир хил тушунилишини таъминлаш мақсадида "сайловолди ташвиқоти" тушунчасига аниқ таъриф берилмоқда. Яъни бу тушунча "сайлов кампанияси даврида амалга оширилаётган ва сайловчиларни депутатликка номзод ёки сиёсий партия учун овоз беришга ундашга қаратилган фаолият" сифатида белгилаб қўйилмоқда.

— Қонун лойиҳасига сайлов куни ва сайлов бошланишидан бир кун олдин сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги ҳақида норма киритилаётгани эътиборга моликдир, — деди "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Қодир Жўраев. — Таклиф этилаётган бу норма сайловчиларга ўз нуқтаи назарини аниқлаштириб олиш, қайси сиёсий йўлни маъқул деб топиб, ким учун овоз бериш тўғрисидаги масала юзасидан онгли қарор қабул қилиш учун қўшимча вақт берилишини назарда тутади. Янги норма овоз бериш арафасида турли суиистеъмолликлар ва қоидабузарликларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан "Адолат" СДП сайловолди дастурига тўла ҳамоҳангдир. Зеро, партиямиз фуқароларнинг ўз сайлов эркинликларини тўла амалга оширишлари, сайлов кампанияси даврида ижтимоий адолат тамойилларига амал қилиш ва сайловларнинг очиқ, ойдинлигини таъминлаш тарафдоридир. Шу нуқтаи назардан ушбу қонун лойиҳаси дастурий ғояларимизга мос келади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида сайловолди ташвиқоти жараёнида оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа кўргазмали, аудиовизуал воситалардан фойдаланишнинг аниқ тартиб-қоидалари ҳам ифода этилган. Бундан ташқари, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлмайдиган сайловчилар учун муддатидан олдин овоз бериш муддатлари ҳам қатъий белгилаб берилмоқда. Яъни, муддатдан олдин овоз бериш сайловдан 10 кун аввал бошланиши ва сайловга бир кун қолганда тўхтатилиши назарда тутилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий модернизация жараёнларида сайлов тизимини янада такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ҳамда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз таклиф ва тавсияларини билдирдилар.

Шунингдек, йиғилишда бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинди ва улар юзасидан фракция нуқтаи назари белгилаб олинди.

**Илёс САХАТОВ,**
"Adolat" мухбири

# ХДП Жамоатчилик қабулхонаси:

## соат неча бўлганини сўрасангиз ҳам ҳисоботга тушасиз

**Партиялараро мунозара**

Ўзбекистон XXI аср бўсағасида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларни ҳамда жамият тараққиётининг бошқа жабҳаларини либераллаштиришга қаратилган стратегик йўлни танлаб олди. Хўш, бу йўлда сиёсий партиялар ўз ўрнини қай даражада эгаллай олдилар? Бугун ана шу саволларга қайта-қайта мурожаат қилинаётганининг боиси нимада? Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар фаолиятида ана шу мақсад-муддаоларимиз қай даражада ўз аксини топаяпти? Бундай саволлар ҳали-ҳануз сиёсий партиялар фаолиятида ўз аҳамиятини йўқотмаган ва йўқотмайди ҳам. Чунки ривожланиш, тараққиёт бор экан, бундай масалаларга бўлган муносабат ҳам ўзгараверади. Чунки шиддаткор давр ҳар кун ва ҳар соатда партиялар олдига янгидан-янги вазифаларни қўймоқда.

Кейинги пайтларда сиёсий партиялар ана шу масъулиятни ҳис қилган ҳолда хатолардан хулоса чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар. Энг муҳими — сиёсий партияни партия қиладиган, унга обрў, ном олиб берадиган бошланғич ташкилотлару жойлардаги депутатлар эканини ҳам чуқурроқ англаб ета бошладик.

Бугунги фуқаро бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини ким йўлга қўйган, аҳолининг сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишга, уларни фаоллаштиришга ким кўпроқ ҳисса қўшган бўлса, ўша партияга кўпроқ эътибор бераяпти. Биз фалон партиянинг аъзоси сифатида фуқаролик жамиятини ривожлантирамиз, дея кўкракка урганимиз билан у ривожланиб қолмас экан. Ёки биз давлат ва жамият ўртасидаги кўприкмиз, деганимиз билан амалий ишларга қўл урмасак, партиянинг ишончли кўприклиги ҳам қоғозларда қолиб кетаверади. Сиёсий партияларга эркинлик ва кенг сиёсий рақобат майдонини яратиб берган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини ошириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун кучга киргач, партиялар фаолларининг ҳаракатлари кучайгани рост ва бундан ҳар қанча қувонсак арзийди. Аммо бу ҳаракатлар бугунги кун талабига ҳар доим ҳам жавоб бермаётганлиги айрим жойлардаги депутатларнинг фаолсизлиги ва локайдлигида кўриниб қолаяпти.

Тўғри, бугун пештоқига "Жамоатчилик қабулхонаси" деган чиройли ёзувлар туширилган бинолар остонасини шунча фуқаро босиб ўтди дейиш осон. Баъзан ана шу рақамлар семиртириб турган ҳисоботларни варақлаб, айрим партиялар вакиллари ўзлари қилган ишларига маҳлиё бўлиб қолаяпти. Аммо бу рақам ва кўрсаткичларни яна сайловчининг дастурхонига қўйсак, унчалар тўғри бўлмаслигини фактларнинг ўзи кўрсатиб қўйаяпти.

Келинг, фикримизни ойдинлаштириш учун биргина мисолга мурожаат қилайлик. 2006 йилдан буён ХДП ҳудудий ташкилотлари қошида фаолият юритиб келаётган, "ХДПчилар" томонидан бот-бот тилга олиниб, ўн минглаб мурожаатлар келиб тушаётганлиги таъкидланаётган Жамоатчилик қабулхоналарининг фаолияти аслида қай тарзда кечмоқда?

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида республика бўйича ушбу қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларнинг 4000 га ҳам етмаганлиги ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 25 фоизга кам эканлигини қандай изоҳлаш мумкин? Айниқса, мурожаатлар камайган йўналишлар ЎзХДПнинг асосий йўналиши бўлган ижтимоий масалаларга тўғри келишини-чи?! Ахир, аслини олганда ҳам, сўнгги йилларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига давлатимиз томонидан бирламчи эътибор қаратилаётганлиги, давлатимиз бюджетининг 60 фоизга яқини ижтимоий соҳаларни қўллаб-қувватлашга қаратилаётганлиги ҳаммамизга кундек равшан-ку! Демак, ХДП бу жараёнда ортиқча орган вазифасини ўтаяпти, холос. Ва, аксинча, тадбиркорлик йўналишига оид, хусусан, банкдан кредит олиш, тадбиркорлик учун ер ва бошқа амалий ёрдам олиш масалалари юзасидан мурожаатларнинг кўпайиб бораётганлиги халқ демократларининг Дастурида келтирилган "Иш билан банд бўлмаган аҳолини фақат тадбиркорликка тортиш йўли билан бу масалани ҳал қилиш мумкинми? Ишсизларнинг, айниқса, қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси ҳам тадбиркор бўлишни истармикан? Ўзбекистон ХДП йўқ, ҳаммаси истамайди деб ҳисоблайди", дея қатъий белгилаб қўйилган қарашларида жиддий хатоликлар мавжудлигини кўрсатмаяптими? Аммо нимагадир ХДПчилар буни тан олмаяптилар ёки тан олгилари келмаётганини усталик билан яширмоқдалар.

Вазиятни таҳлил этишга уриниб кўрайлик. Нима учун ўтган ва ундан олдинги йиллардагига нисбатан мурожаатлар камайиб бормоқда? Умуман, ўтган йилларда "ХДПчилар" оламга жар солган Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар сони борасидаги маълумотлари қанчалик ҳақиқатга яқин? Аслида ҳам уларга ўтган йилларда 10 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушганми?..

Жорий йилда мурожаатлар сонининг камайиб кетишига икки сабаб бўлиши мумкин. Биринчидан, бу йил Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаатлар сони мониторинг қилиниши жараёнида мурожаат қилувчиларнинг исми-шарифи, аниқ манзили сўрала бошланди. Яъни, "ХДПчилар" ўтган йиллар мобайнида қабулхоналарга келиб тушган ариза ва шикоятлар борасида "осмондан" олинган рақамлар билан мақтаниб келишган. Иккинчидан, ўтган йилларда, бордию "ХДПчилар" томонидан таъкидланганидек ўн минглаб мурожаатлар келиб тушган бўлса, улар ушбу мурожаатларга амалий ёрдам кўрсатолмаганликлари, яъни электоратнинг, мурожаат қилувчиларнинг ишончини оқлай олмаганликлари асосий сабаблардан биридир.

Эҳтимол, ХДП вакиллари бундай хулосага келинишига асос сўрашлари мумкин. Албатта, асос бор! Фарғона водийсидан мисоллар келтиришимиз мумкин. Жумладан, Жамоатчилик қабулхонасига Фарғона вилояти Олтиариқ тумани "Олтиариқ" ҚФЙда яшовчи М.Раҳматовадан "мурожаат қилинган". (Агар буни мурожаат дейиш мумкин бўлса, албатта!) М.Раҳматованинг мурожаати ЎзХДП Олтиариқ туман Кенгашига партия "Истиқбол" ёшлар қаноти томонидан ўтказилаётган "Ёш сиёсатчи" кўрик-танловда иштирок этиш юзасидан бўлган! Қизиқ-а! Энди ушбу мурожаатга кўрсатилган амалий ёрдамга эътибор беринг: ХДП Фарғона вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан лойиҳа юзасидан барча маълумотлар берилган!

Яна бир мисол, Андижон шаҳри Наврўз МФЙ да яшовчи ХДП аъзоси Ҳ.Мақсудова ўз партия билетини янгилаб беришни сўраб мурожаат қилади. Сезиб турганингиздек, бу ҳам Жамоатчилик қабулхонасига мурожаати сифатида, унга партия билетини янгилаб беришдек "амалий ёрдам" кўрсатилганлиги қайд этиб қўйилган. Ёки бўлмаса, Андижон Давлат тиббиёт институти талабаси Р.Норбоев, Избоскан туманидан Р.Мамажоновларнинг партияга аъзоликка қабул қилиш юзасидан аризалари ҳам Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат сифатида қайд этилган!

Юқорида келтирилган мисоллардаги ҳолатлар Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятига баҳо бериш учун етарли эмасми? Бу ҳолатдан сўнг энди кўча-кўйда ХДП кенгашлари ходимларидан аниқ вақтни ёки бирон бир манзилга қандай борилишини сўрашга ҳам қўрқиб қоласан киши. Ахир, "Кечирасиз, ҳозир соат неча бўлди?" деган саволингиз учун ҳам сизни Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этувчи сифатида ёзиб қўйишлари ҳеч гап эмас-ку. Аслида, партияга қабул қилиниш, партия билетини янгилаб бериш, партиянинг бирон бир лойиҳасида иштирок этишга хоҳиш-истак билдириш учун Жамоатчилик қабулхоналари шарт эмас. Бу масалаларга Ўзбекистон "Адолат" СДПда ҳам, бошқа сиёсий партияларда ҳам Жамоатчилик қабулхонасига ёки депутатлик қабулхонасига мурожаат сифатида қаралмайди. Мана қай тарзда қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг сони минг-минглаб бўлиб қолмоқда.

Андижон вилояти, Қорасув шаҳри, Бўрилик маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Б.Хўжаевдан маҳалласидаги сув таъминоти муаммолари бўйича март ойида ХДП Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат келиб тушади. ЎзХДП вакиллари эса бу мурожаатга ёрдам берсалар чинакам амалий иш қилган бўлармиди. Лекин, афсус, маҳалла аҳли қабулхонадан "Бу масалада шаҳар 2012 йил манзилли дастурга киритилган", деган мужмал жавоб олишди, холос. Нима, маҳалла аҳолиси ушбу дастур ижросида белгиланган муддат етиб келгунигача сувсиз ўтирадими?

Яна бир қизиқ ҳолат Асака тумани Жамоатчилик қабулхонаси билан боғлиқ! Қорақий маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро Р.Нуриддинова ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун банкдан кредит олишда кўмак беришларини сўраб мурожаат қилган. ХДП Асака туман кенгаши эса туман Микрокредитбанк бўлимига мурожаат қилишни маслаҳат беради. Наҳот, ХДПнинг иқтисодий форумларида иштирок этиш учун қандайдир имтиёзга эга бўлиш керак бўлса? Балки барча ҳужжатларнинг тайёр бўлиши, бизнес режага эга бўлиш кераклдир! Унда ХДП бундай иқтисодий форумларда тадбир ўтказишдан бошқа яна қандай амалий ишларга муаллифлик қилмоқда? Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу билан биз Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг барчаси ҳам шу мазмунда дейишдан йироқмиз. Улар орасида чиндан ҳам аҳолини ўйлантираётган, ечими электорат манфаатларига хизмат қиладиган мурожаатлар йўқ эмас. Аммо кўп ҳолларда "ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами" манфаатлари йўлида ХДП Жамоатчилик қабухоналарнинг ҳеч қандай роли йўқлиги кўриниб қолмоқда. Бугун ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ўзини ўзи ижтимоий ҳимоя қилоладиган қатламга айланиб бораётганлигини давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг натижаси дейиш асло муболаға бўлмайди. Бундай улуғвор ўзгаришлар даврида ХДП тутган йўлдан бориб рақамларни ошириб кўрсатиш, кимнингдир амалий ишини ўзлаштириш, ташаббус кўрсатмасдан ўзгалар ютуғига шерик бўлиш билан сайловчини алдаб бўлмайди.

Хулосани эса ҳар ким ўзи чиқаради.

**С. АКБАРОВ**

# Назорат ва мониторинг кузатувлари —

## қонунийликни ўрнатишнинг муҳим усуллари

Давоми. Боши 1-бетда

Қонунийлик кундалик турмушда нималарда намоён бўлади? Масалан, у ёки бу фаолият билан шуғулланиш учун шарт бўлган рухсатномани қонунчиликда белгиланган муддат ва тартибда, ортиқча тўлов ёки таниш-билишсиз олиш имконияти мавжудлигида кўриш мумкин. Буни давлат томонидан эълон қилинган қулайликка зид равишда ёки уни ўзгартирган ҳолда муайян тор доирадаги манфаатни кўзловчи идоравий қоидаларнинг ўрнатилмаслиги кафолатланганлигида кузатса бўлади.

Давлатда қонунийликни ўрнатишнинг муҳим усулларидан бири сифатида, энг аввало, давлат органлари фаолияти устидан назорат ва мониторингни ташкил этиш тилга олинади. Миллий қонунчиликда "назорат" ва "мониторинг" тушунчалари кенг қўлланилганлигини кузатиш мумкин.

Масалан, мустақиллик йиллари давомида фақат "мониторинг" тушунчаси мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ишлатилган. Эътиборлиси шундаки, 1991 йилдан 2001 йилгача бундай ҳужжатлардан 250 та қабул қилинган бўлса, кейинги даврда улар сони 800 дан ошган.

Тизимли равишда назорат тадбирлари ва мониторинг кузатувларининг амалга оширилиши жамиятда қонунийлик, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда қонунчилик тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида давлат аҳамиятига молик муҳим вазифаларни ҳал этишда бир қатор йўналишлар бўйича қонунчилик ташаббуслари илгари сурилиб, долзарб вазифалар белгилаб берилди. Концепцияда, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилишга қаратилган қатор таклифлар илгари сурилган. Шунга кўра давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Концепцияда белгилаб берилган вазифаларни бажариш мақсадида Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси томонидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 14 та давлат тузилмалари тизимида 18 та назорат тадбирлари ҳамда мониторинг кузатувлари ўтказилди. Ушбу тадбирлар давомида қонунчиликда ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир қатор қонун бузилишлар, тизимли муаммо ва камчиликлар аниқланди.

Жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг таклифларини йиғиш ва таҳлил қилиш орқали қонунчиликда қарама-қаршиликлар, бўшлиқлар ҳамда бошқа камчиликлар мавжудлиги сезилди.

Ўрганиш давомида республика ва маҳаллий даражадаги 670 та давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қонунчиликни такомиллаштириш орқали бартараф этилиши мумкин бўлган муаммолар юзасидан маълумот тақдим қилиш ҳақида сўров хатлари юборилди.

Келиб тушган таклифларни умумлаштириш қонунчиликдаги 42 та долзарб муаммони аниқлаш имконини берди. Ҳозирги кунда аниқланган йигирмага яқин муаммо юзасидан қонунчилик ва хорижий тажриба тадқиқ этилиб, тегишли органларга асослантирилган таклифлар киритилди.

Масалан, электрон мурожаатнинг ҳуқуқий мақоми, уни бериш ва кўриб чиқиш тартиблари белгиланмаганлигини инобатга олган ҳолда, фуқароларнинг электрон мурожаатини кўриб чиқиш тартиби ва шартларини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ҳақида таклифлар тайёрланди ва юқори турувчи идораларга киритилди.

Бундан ташқари, давлат бошқаруви органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг вазифа ва ҳуқуқларини белгилаш ҳамда чегаралаш, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини таъминлашга оид ҳуқуқий база таҳлил қилинди.

Таҳлил натижаларига кўра, ушбу соҳада мавжуд камчиликлар аниқланди. Жумладан, қонунчиликда "ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти" тушунчаси очиб берилмаган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар рўйхати келтирилмаган. Фақатгина айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда у ёки бу давлат органининг (ички ишлар, прокуратура, давлат божхона хизмати, давлат солиқ хизмати, адлия ва миллий хавфсизлик хизмати органлари) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, давлат бошқаруви органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг айрим фаолият йўналишларини мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий механизми шакллантирилмаган, шу билан бирга, мазкур органларнинг бир-бирини такрорлайдиган вазифа ва ваколатлари тизимлаштирилмаган.

Шу билан бирга, ҳуқуқий бўшлиқларга сабаб бўлаётган ва қонун бузилишларига имкон яратаётган шарт-шароитларни бартараф этиш мақсадида 54 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан юқори турувчи идораларга таклиф киритилди.

Бундан ташқари, Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан аниқланган қонун бузилишлар, улар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш тўғрисида бир қатор тақдимнома ва таклифлар киритилди ҳамда улар тегишли органлар томонидан муҳокама қилинди.

Бош бошқарма томонидан ўтказилган назорат ва мониторингларнинг якунлари бўйича кўрилган чоралар ва ишлаб чиқилган таклифлар ҳуқуқий базани такомиллаштириш ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган. Шубҳасиз, бу мақсадлар мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамият барпо этиш йўлида эзгу саъй-ҳаракатларни амалга ошираётган «Адолат» социал-демократик партияси хоҳиш интилишларига ҳам жавоб беради. Ҳуқуқий базани ва қонунийликни мустаҳкамлаш жараёнлари ҳуқуқ тартибот органлари билан бир қаторда сиёсий партиялар, шу жумладан, қонун устуворлигига эришишни мақсад қилган Ўзбекистон "Адолат" СДП ва унинг жойлардаги депутатларидан фаоллик ва қатъий масъулиятни талаб этади.

**Жаҳонгир СОТИБОЛДИЕВ,**
Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг масъул ходими

Инновация

# Нанотехнологиялар истиқболи

## малакали кадрлар тайёрлашга боғлиқ

XXI аср нанотехнологиялар асри бўлиб қолмоқда. Бугун биз кундалик ҳаётимизда фойдаланаётган замонавий технологияларнинг аксарият қурилмалари нанотехнологиялар маҳсулидир.

Ушбу соҳанинг моҳияти ҳақида сўз юритадиган бўлсак, нанофан наноўлчамли (бир неча юзлаб атомлар ёки ўнлаб молекулалардан иборат) тузилмаларнинг турли хусусиятларини ўрганади, нанотехнологиялар эса ушбу тузилмаларни олдиндан белгиланган вазифани бажаришга йўналтириш, яъни уларни функционаллаштиришдир.

Нанотузилмалардаги физик ва кимёвий жараёнларни гуруҳлаш эса янги қонуниятларни келтириб чиқармоқда. Бир неча атом ўлчамларидаги объектларнинг ноанъанавий хусусиятларини ўрганиб улардан ўта кичик ўлчамга ва мисли кўрилмаган ресурс тежамкорликка эга бўлган янги наноматериаллар яратиш имконини бермоқда. Бундай тадқиқотлар самараси ўлароқ, нанотузилмаларда содир бўладиган жараёнларнинг қонуниятларини ўрганиб берадиган ва саноатга татбиқ қилиш йўлларини кўрсатадиган янги «нанотехнология» йўналиши вужудга келди. Бу атамани биринчи бўлиб 1974 йилда япон олими Норио Танигучи ишлатган. У нанотехнологияни «ўта аниқ ишлайдиган ва ҳаддан зиёд кичик ҳажмли технология» маъносида тушунтириб ўтади. Борабора «нано» атамаси табиий фанларнинг барча соҳаларида ишлатила бошлади ва янги-янги тадқиқот йўналишларини вужудга келтирди.

Нанотехнологиядан асосий мақсад фақат қурилмалар ўлчамларини кичиклаштириш эмас, балки материалларни, энергияни ва вақтни ҳам тежашдир. Дунё миқёсида нанотехнология электроника, информацион технологиялар, тиббиёт, биология, экология, энергетика, машинасозлик, самолётсозлик, космонавтика, табиий бойликларни излаб топиш ва қазиб олиш соҳаларида энг кўп қўлланилмоқда. Бу соҳаларнинг ривожланиши электроника ва микроэлектроника соҳаларида қўлланиладиган янги наноматериаллар (кўп қатламли тизимлар, нанонайчалар) олиш билан белгиланади. Булар асосида диодлар, транзисторлар, ўта катта ҳажмдаги интеграл схемалар яратилади. Наносимларнинг қалинлиги соч толасидан бир неча минг марта кичик, аммо пўлатдан ўн марта мустаҳкам. Келажакда симлар синтез қилинишига эришилса, саноат ва техникада катта ўзгаришлар рўй бериши кутилмоқда.

Ҳозирги тозалаш технологияларида нефтнинг деярли 20 фоизини қайта ишлаш имкони йўқ. Сўнгги йилларда бегона молекулани умуман ўтказиб юбормайдиган нанокатализаторлар устида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай ускуна ёрдамида нефтнинг 100 фоизини қайта ишлаш имкони туғилади. Нанотехнологияларнинг амалий татбиғига оид бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин.




Табиийки, бундай натижалар нанофан ва нанотехнологияларга киритилаётган инвестиция миқдорининг тез суръатда ўсишига, йилдан-йилга кенгайиб бораётган нанотехнологиялар бозори пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, нанофан ва нанотехнологиялар соҳасида ишлайдиган, уларнинг амалиётга татбиғи, иқтисодий самарадорлигини, экологик муҳитга ва инсон саломатлигига таъсирини ўрганиш соҳасида ишлайдиган мутахассислар тайёрлаш вазифасини долзарб қилиб қўймоқда.

Бир қатор етакчи давлатларнинг нанотехнологияни ривожлантириш ва уни тезлаштириш бўйича ўз концепцияси ва стратегияси мавжуд. Бундай стратегиялар олимлар ва саноатчилар ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда мазкур соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашни тақозо қилади. Бу борада АҚШ ва Япония давлатлари етакчилик қилишмоқда. Хусусан, АҚШ президенти тасарруфидаги фан ва техника соҳалараро миллий кенгаши қошида 2000 йилда нанотехнологиялар бўйича гуруҳ ташкил этилди ва 2001 йилда «Миллий нанотехнологик ташаббус» дастури ишлаб чиқилди. Бу нанотехнологиянинг кескин ривожланишидаги дастлабки босқич бўлди.

Ривожланган давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам нанофан ва нанотехнологиялар ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, нанотехнологияларни ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилганлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан нанофизика ва нанотехнологияларга оид қатор фундаментал ва амалий тадқиқотлар лойиҳалари молиялаштирилаётганлиги бунинг исботидир.

Нанотехнология соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида республикамизда етакчи олий ўқув юрти бу Тошкент давлат техника университетидир.

2006 йилда республикамизда биринчи бўлиб Тошкент давлат техника университетида «Нанотехнология (наноматериаллар, наноэлектрон асбоблар ва қурилмалар)» йўналиши очилди. 2008 йилда эса «Нанотехнология» кафедраси ташкил этилди ва ушбу йўналиш бўйича бакалавр ҳамда магистрлар тайёрлаб келинмоқда.

Республикамизда «Нанотехнология» соҳасидаги илмий ишларга 2000 йиллардан бошлаб Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан маблағ ажратила бошланди. Ҳозирги кунда нанофан соҳасидаги илмий-тадқиқот ишлари Тошкент давлат техника университети, Самарқанд давлат университети, Фанлар академиясининг Электроника институти, Ядро Физикаси институти, Иссиқлик физикаси бўлими ва Полимерлар кимёси ва физикаси институтларида изчил олиб борилмоқда. Қисқа вақт ичида республикамизда ушбу соҳада олиб борилаётган илмий изланишлар ўз самарасини берди. Мисол учун, университетимизнинг «Нанотехнология» кафедрасида олиб борилаётган илмий лойиҳалар асосида эпитаксия ва ион имплантация усуллари ёрдамида ноёб турдаги янги гетероэпитаксиал қатламлар, нанокристаллар олишга ва уларнинг физикавий хоссаларини ўрганишга эришилди. Кафедрада яратилаётган ноёб турдаги бундай материаллар ёрдамида ресурстежамкор электрон қурилмалар, юқори самарадорликда ишлайдиган қуёш элементларини яратиш мумкин.

Айниқса, кафедрамизда нанотехнология бўйича фундаментал тадқиқот олиб бораётган ёш олимларимиз эришаётган муваффақиятлар диққатга сазовор, албатта. Хусусан, «Нанотехнология» кафедраси доценти Дилноза Тошмуҳаммедова ўзининг экспериментал тадқиқотлари асосида республикада биринчилардан бўлиб наноэлектроника соҳасида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўз тажриба ва тадқиқотлари натижасида ноёб ва янги хусусиятларга эга бўлган наноплёнкалар ҳамда нанокристалларнинг ион имплантацияси усулида ҳосил қилинишини исботлаган Дилноза 35 ёшида докторлик илмий даражасига эришган энг ёш олима бўлди. Унинг илмий ишидан кўзланган асосий мақсад наноўлчамли материалларни олиш, физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш ва улар асосида янги электрон асбоб-қурилмаларни яратишдир. Ушбу тадқиқотни амалиётга татбиқ этиш, энг аввало, кундалик ҳаётимизда қўлланадиган компьютер хотирасини оширишда қўл келиши, мазкур қурилманинг эҳтиёт қисмларини ташқи муҳит таъсиридан ҳимоялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Мазкур кашфиётдан, шунингдек, тиббиётда хасталикнинг энг оғир асоратларини даволашда ҳам фойдаланиш мумкин.

Кафедрамиз ёш олимлари анъанавий Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасида ҳам ўзларининг ноёб ишланмалари ва фундаментал тадқиқотлари билан иштирок этиб келмоқдалар. Жорий йилда ўтказилган 5-инновацион ярмаркада кафедрамиз стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси Сардор Донаевнинг нанотехнология соҳасидаги ишланмаси ёш олим ва талабаларнинг энг яхши инновация лойиҳаси номинация бўйича ғолиб деб топилгани ҳам эътиборга моликдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, юртимизда ресурс-тежамкорликка асосланган, рақобатбардош иқтисодиёт ривожланишининг зарурий омилларидан бири нанофан ва нанотехнологияларни қўллаб-қувватлаш, мазкур соҳада рақобатбардош илмий натижаларга эриша оладиган кадрларни тайёрлашдан иборатдир.

Шуни ҳам ишонч билан айтишимиз мумкинки, бундай натижага эришиш учун, айниқса, нанофан соҳасида илмий ҳамкорлик олиб бориш учун республикамизда барча зарурий шароитлар мавжуд. Бу жараёнда ўз сайловолди дастурида «Фундаментал илм-фанни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, илм-фан ва таълимга инвестицияларни, шунингдек, янги технологияларни жалб қилиш» ғоясини илгари сураётган «Адолат» социал-демократик партияси билан ҳамкорлигимиз ҳам ўзининг ижобий натижаларини бериши шубҳасиз.

**Болтахўжа УМИРЗАҚОВ,**
физика-математика фанлари доктори, профессор,
ТДТУ «Нанотехнология» кафедраси мудири

# Масъулият унутилмаслиги керак!

**Ўз-ўзини танқид**

Партия фаоллари ва бошланғич партия ташкилотлари раҳбарларининг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш Ўзбекистон «Адолат» СДП ўтказаётган сиёсий ўқувларнинг асосий мақсади бўлиб қолмоқда. Ўқувларда асосий эътибор аҳоли билан ишлаш малакасини такомиллаштириш, раҳбарлик салоҳиятини ошириш, янгича фикрлаш қобилиятини ўстириш ва соҳада муносиб кадрлар захирасини тайёрлашга қаратилаётир.

Шуниси қувонарлики, ўқувлар жараёнида сиёсий-ҳуқуқий билими юксак, фикрлаш доираси кенг, замонавий билимларни пухта эгаллаган ёшларни кўпроқ учратяпмиз. Улардаги шижоат, эртанги кунга, энг муҳими, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишонч ана шундай ёшларни атрофимизга жипслаштиришимиз, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашимиз лозимлигини англатаяпти.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгашининг бу борадаги фаолиятига назар ташласак, жорий йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида вилоят ва унинг ҳудудий ташкилотлари томонидан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, тиббий маданияти ва саводхонлигини оширишга қаратилган 50 га яқин амалий ва назарий тадбирлар ташкил этилди. Тадбирларнинг асосий йўналиши партиянинг ёш фаоллари ишини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, ёшлар ўртасида «Адолат» СДП ғоялари тарғиботини янада кучайтириш, шунингдек, ёшларни мамлакат ва жамиятда юз бераётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнига жалб қилиш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ҳамда тафаккурини юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт равнақи йўлидаги ғояларини амалга оширишларида ҳар томонлама кўмаклашиш каби долзарб масалаларига қаратилди. Вилоят партия Кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти ташаббуси билан барча ҳудудий ташкилотларда «Биз эртанги кун эгаларимиз» мавзусида тизимли семинарлар ташкил этилди. Албатта, бу каби тадбирлар ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ва иқтидорини юзага чиқаришда, партия ёшларининг ташкилий ва мафкуравий жиҳатдан жипслашувига, ёшларни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишига, хусусан, янги инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши, таълим тизимининг янада такомиллашуви, бандликни таъминлаш, соғлом турмуш тарзи даражасини ошириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, шунингдек, фуқаролик позициясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоят партия Кенгашининг барча ҳудудий ташкилотларида ёшлар билан ишлашни ижобий баҳолаб бўлмайди. Бу эса «Ёш адолатчилар» қаноти фаолиятига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Яқинда Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши Ижроия қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилишида ёшлар билан ишлаш масаласи танқидий нуқтаи назардан таҳлил этилди. Хусусан, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари, «Ёш адолатчилар» қаноти етакчилари иштирок этган мазкур тадбирда Зафаробод ва Жиззах туманлари партия кенгашларининг бу борада йўл қўяётган хатолари ва камчиликлари рўй-рост айтилди.

— Мазкур туман партия ташкилотлари қошидаги «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан ўтказилаётган тадбирларда таъсирчанлик етишмаяпти, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП Жиззах вилояти Кенгаши раиси ўринбосари Рустам Тўйчиев. — Ўтказилаётган тадбирлар шунчаки ҳисобот учун ташкил этилаётгани сезилиб қолаяпти. Бу эса, энг аввало, ҳудудий партия ташкилотлари раисларининг шахсий масъулиятини оширишни талаб этмоқда.

Бугунги кунда ёшлар билан ишлаш бўлимларида партия дастурий ғояларини ҳаётга татбиқ эта оладиган, сиёсий етук, тажрибали кадрларга эҳтиёж сезилмоқда. Тўғри, партия сафида сиёсий етук, фаол ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Бироқ улар устида ишлаш, сиёсий билимларини оширишда оқсоқлик сезилмоқда.

Шунингдек, Р.Тўйчиев ўз сўзида Ўзбекистон «Адолат» СДП мафкураси ҳамда фаолиятини тарғиб қилиш усуллари ва шаклларини такомиллаштириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Партия ғоялари акс этган услубий-амалий қўлланмалар ва тарқатма материалларни кўпайтириш ҳамда сиёсий ўқувлар самарадорлигини оширишда сусткашликлар тилга олинди.

Шу ва бошқа камчиликларни бартараф этиш учун маҳаллий кенгашлардаги партия ташкилотлари раҳбарларининг электорат олдидаги масъулияти ва ташаббускорлигини янада ошириш, аъзоларнинг ташкилий-сиёсий тадбирлардаги фаоллигини таъминлаш, электорат орасида кўпроқ иш олиб бориш, сафларни фаол ёшлар ва хотин-қизлар ҳисобига кенгайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда вилоятда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда вилоят партия Кенгашининг иштироки ҳамда фаоллигини кучайтириш юзасидан қатор таклифлар билдирилди.

**Ўзбекистон «Адолат» СДП**
Жиззах вилояти Кенгаши матбуот хизмати

# Янгиланаётган Асака

## истиқлол шарофати ила тобора яшариб, гуллаб-яшнаб бормоқда

Давоми. Боши 1-бетда

### Водий бағридаги жавоҳир

Мустабид тузум даврида хорижликлар Асакани қўятуринг, ҳатто Ўзбекистонни ҳам яхши билишмаган. Уни ай-



рим тарихий шаҳарлари, азиз ва муқаддас зиёратгоҳлари орқалигина танишган. Ўша давр сиёсатининг мудҳиш оқибатлари қолдирган бу оғир асоратга мустақиллик барҳам берди. Ўзбекистон дунёга танилди. Унинг бир бўлаги, дилбар гўшаси бўлган Асака ўзбек автомобилсозлигининг бешиги сифатида ном қозонди. Дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи 28 та ривожланган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин олган Ўзбекистон учун 1996 йилнинг 19 июли тарих салномасига зарҳал ҳарфлар билан битилган кун бўлди. Зеро, айнан шу куни Асакада давлатимиз фахру ифтихорига айланган автомобиль заводи ишга туширилди. Янги корхонанинг очилиш маросими катта тантанага, юртимизнинг ўзига хос тўйига айланиб кетди.

Кўпчиликнинг қалбида ўчмас из қолдирган бу ҳаяжонли дамлар энди тарихга муҳрланган. Аммо бир нарса аён: узоқ ўтмишда Ўзбекистоннинг ўз автомобили бўлиши, учқур тулпорлар сингари елдек елиб, элга хизмат қилиши бировларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Ўзимизда чексиз имкониятлар бўла туриб, ҳаттоки энг оддий нарсаларгача четдан олиб келинганлиги эса, аччиқ бўлса-да, ҳақиқат. Шундай оғир шароитда катта ишонч ва умид билан ишга туширилган завод тармоқнинг гигантига айланди. Унинг конвейерларидан тўхтовсиз чиқиб турган турфа хил енгил автомобилларнинг нафақат ўзимизда, балки чет элларда ҳам харидори кўпайди. Асосан ўзимизнинг кадрлар, маҳаллий ёшлар меҳнат қилаётган бу корхона маҳсулотларига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётгани бежиз эмас. Заводда тайёрланаётган янги русумдаги "Спарк", "Нексия", "Ласетти", "Эпика" ва "Каптива" қаторидан яқиндагина ўрин олган "Малибу" автомобиллари энг аввало халқаро андозаларга, замон талабларига тўла жавоб беради. Бу туркумдаги моделлар ўзининг ҳар томонлама қулайлиги, тежамкорлиги билан ажралиб туради. Илғор дизайни ва техник афзалликлари бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган машҳур автомобилларникидан қолишмайди. Аксинча, қатор жиҳатлари билан улардан устун туради.

Мустақиллик берган бундай улкан имкониятлар табиатан меҳнаткаш, фидойи асакаликларнинг юзини ёруғ, мартабасини улуғ айламоқда.

### Даврдан ўзган одамлар

Мустақиллик даврида рўй берган Ўзбекистон мўъжизаси дунёга довруғ таратган Асака автозаводи билангина кифояланиб қолгани йўқ. Истиқлол шарофати билан тобора юксалиб бораётган истиқболи порлоқ бу ҳududнинг бошқа соҳаларида ҳам ўзгаришлар рўй бериб турибди. Мўъжизалар содир бўлмоқда. Бунинг эвазига ҳудудда янгидан-янги ишлаб чиқаришлар йўлга қўйилмоқда, янги қувватлар ишга тушириляпти. Аввалдан фаолият кўрсатиб келаётган "Асака ёғ", "Асакадонмаҳсулотлари", "Асакатекстиль" корхоналари қаторида мустақилликнинг инояти ила юзага келган "Ўз Донг Вонг Ко" (ЁТАЖ) қўшма корхонаси, "Автокомпонент" ОАЖ, "Асака давр бутловчи", "Ойназар", "Меридиан" хусусий корхоналари, "Техносавдо люкс" масъулияти чекланган жамияти, "Самара Анзис" шўъба корхонаси каби янги меҳнат жамоалари самарали фаолият кўрсатяпти. Ихчам ва қулай технологиялар билан жиҳозланган бу корхоналарнинг қисқа фурсат ичида лойиҳада белгиланган қувватларни тўла ўзлаштиришга эришганлиги, тармоқнинг пешқадамига айланганлиги соҳага бўлган катта эътибордан далолат бериб турибди. Юртимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи бу жамоаларнинг мавқеи ортиб бораяпти. Уларнинг орасида айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан 1996 йилнинг 27 декабрида "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси тасарруфида Корея билан ҳамкорликда ташкил этилган "ЎзДонгВонгКо" қўшма корхонаси алоҳида ажралиб туради.

Корхонанинг таъсисчилари — "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси, 6-авторемонт заводи, Кореянинг "ДЭУ" корпорацияси ва "Донг Вон металл инд. Ко Ltд" томонидан олиб борилган қизғин саъй-ҳаракатлар эвазига қисқа вақт ичида мамлакатимиз автомобилсозлигида жуда муҳим ўрин тутган айрим бутловчи қисмлар шу ернинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди. Уларнинг хориждан келтирилишига зарурат қолмади. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида кенг кўламда амалга оширилган бу ишлар кутилганидан ҳам яхши самара берганлигини бугун жамоа эришаётган ютуқлар ҳам тўла тасдиқлаб турибди.

Қўшма корхонага киришингиз биланоқ янги ҳаёт нафасини ҳис этасиз. Қайноқ иш жараёнлари сизни асло бефарқ қолдирмайди. Ўзларининг чаққон ҳаракатларидан завқланиб, катта иштиёқ билан ишлаётган ишчи-хизматчиларга меҳрингиз ортади.

Икки институтни тугатган, магистратурда таҳсил олган Аҳроржон Раҳматуллаев ёш бўлишига қарамай ҳозир корхонанинг энг асосий — ишлаб чиқариш бўлимини бошқармоқда. 111 нафар ишчи-хизматчига раҳбарлик қилаяпти. Кўпчилик қатори бу ердаги илк фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган ёш мутахассиснинг бу даражага эришиши осон кечгани йўқ. Ўз устида тинмай ишлаши, изланиши Аҳроржонни камолотга етказди, мартабасини улуғ қилди. Жамоада салкам 15 йил ишлаб, кадр топган ишлаб чиқариш устаси Қаюмжон Тошматовни кўпчилик ишчилар, мутахассислар ўзларига устоз деб билишади. У корхонадаги энг асосий компьютерли линияни бошқариш билан биргаликда "Устоз — шогирд анъаналари"ни изчил давом эттириб келмоқда. Ёшларга ўз касбининг нозик қирраларини кунт билан ўргатяпти. Бўлимнинг бутловчи муҳандиси Авазбек Фозилов ҳам шундай жойда, шундай жамоада ишлаётганидан доимо фахрланади.

— Асакадаги автомобиль саноати коллежини яқинда битириб, шу ерда иш бошладим, — дейди ёш ишчи Муҳаммадшокир Абдураҳмонов биз билан суҳбатда. — Жамоа менга бегона эмас. Коллежда ўқиган йилларим амалиётни шу ерда ўтаганман. Қаюмжон ака Тошматов каби меҳрибон устозлардан касб-ҳунар сирларини ўрганганман. Улар ҳозирда ҳам менга ғамхўрлик қилишмоқда.

Муҳаммадшокир каби 19 нафар коллеж битирувчиси қўшма корхонада илк иш фаолиятини бошлади. Яна уч нафар битирувчи эса жамоа билан ҳамкорликда ишлаётган корхоналарга ишга жойлашди. Ўзи каби ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибордан улар доимо миннатдор.

Эндиликда 250 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур жамоа мамлакатимиз автосаноатининг етакчи корхонаси — "GM — Ўзбекистон" ёпиқ акциядорлик жамияти автомобиллари учун беш хил комплектдаги овоз сўндиргичларни тайёрлаяпти. Автомобилларнинг икки хил комплектдаги зарбга қарши тўсиқларини ишлаб чиқармоқда. Шу билан бирга автомобилларнинг 48 турдаги айрим эҳтиёт қисмларини тайёрлашга эришяпти. Бу ерда касаначилик фаолияти яхши йўлга қўйилган. 82 нафар касаначи ҳар куни кўплаб миқдордаги беш хил маҳсулотни мижозларга етказиб беряпти. Амалдаги йилнинг дастлабки олти ойида қўшма корхона томонидан 13 миллиард 245 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўртача иш ҳақи 586 минг 411 сўмга тўғри келди.

Доимо изланиш ва интилишда бўлиб, корхонани янада ривожлантираётган жамоа мутахассислари истиқболли лойиҳаларни ҳаётга дадил тат-



биқ этаётгани айниқса, қувончли. Яқинда улар томонидан яратилган янги "MSE" лойиҳасига асосан "Матиз" ва "Спарк" автомашиналарининг ҳаво сўндиргичлари Тошкент мотор заводида ишлаб чиқарилаётган моторга мослаштирилди. Кейинги лойиҳага асосан эса "Ласетти" автомашиналарининг ҳаво сўндиргичларини ўзимизда тайёрлаш кўзда тутилган. Бу режа келаси йилнинг бошидан амалга оширилади. Яна бир янгилик: корхонада янги ташкил қилинган "Germes" (ИКТ) тизими ижро назоратини кучайтириш билан бирга ижро муддатларини ҳам қисқартиришни таъминлади. Шу билан биргаликда қоғоз сарфини бирмунча тежаб, яхшигина маблағни иқтисод қилишга шарт-шароит яратмоқда.

### Тадбиркор — элга мададкор

Янгиланиш ва туб ўзгаришларнинг ҳаётбахш нафаси бугун улкан бунёдкорлик ва қурилиш майдонига айланган Асаканинг шаҳару қишлоқларига алоҳида файзу тароват бағишламоқда. Яратиш, яшнатиш, юртни обод этиш ишқи билан ёнган элнинг азму шижоати билан янгидан-янги иншоатлар, савдо мажмулари, сервис, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, турар-жой бинолари, намунали уйлар, бир-биридан қолишмайдиган гузарлар барпо этилмоқда. Аҳолининг турмуш даражаси янада юксаляпти. Ўтган йили бу ерда замонавий архитектуранинг энг сўнги лойиҳалари асосида тикланган 46 та шинам турар-жой биноси, юздан зиёд савдо ва сервис хизмати кўрсатиш шахобчаси ишга туширилди. "Тадбиркорлар саройи" барпо этилди. 150 ўқувчига мўлжалланган 22-мусиқа мактаби фойдаланишга топширилди. Бу йил эса Асака — Андижон автомагистралининг Файзобод қишлоғи билан туташган қисмида 155 та намунали уй-жой жадал суръатлар билан барпо этилмоқда. "Марказий Осиё" масъулияти чекланган жамиятининг шаҳар марказида уч қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси тикланяпти.

— Мажмуани барпо этишга сарфланадиган маблағ 451,4 миллион сўмни ташкил этди, — дейди МЧЖ раҳбари Рустамжон Мадаминов. — Унинг 340 миллион сўмини "Асака" банк ОАЖнинг Асака филиалидан кредитга олдик. Банк маъмуриятининг қўллаб-қувватлаши билан ишларимиз юришиб кетди. Мажмуа ишга туширилгач унда жойлашган "Супермаркет", "Парҳез таомлар" ошхонаси, гўшт растаси ва чойхонада 48 та янги иш ўрни яратилади...

"Асака тасанно омад люкс" масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, маҳаллий тадбиркор Сирожиддин Нажмиддинов бошлаган яна бир қурилиш иншооти вилоятдаги соҳа мутахассисларининг ҳам ҳайратига сабаб бўлди. Кўп йиллардан буён намунали лойиҳалар асосида янги савдо мажмуасини барпо этиш орзуси унга тинчлик бермас эди. Элга холис хизмат қилишдек олижаноб мақсадни кўзлаган ишбилармон бунинг учун тиниб-тинчимади.Қўл урадиган ишининг аввало пишиқ-пухта бўлишига алоҳида эътибор қаратди. "Етти ўлчаб бир кес" қабилида иш юритиб, замонавий андозада қурилган асосий буюм бозорлари ва савдо мажмуаларини бориб кўрди. Уларнинг шакли шамойили, қурилиши, архитектура кўринишлари билан қизиқди. Соҳада кўп йиллардан буён ишлаётган мутахассислар билан маслаҳатлашиб, бошлаётган ишининг ҳамма томонини торозига солиб кўрди. Уддалашига кўзи етгач, қатъий ишонч билан уни амалга оширишга киришди. Туман ҳокимияти ва бошқа мутасадди ташкилотлар ишни пайсалга солиб ўтирмай,унинг таклифини астойдил қўллаб-қувватлашди. Тез орада Асака шаҳар савдо мажмуаси қурилиши учун марказнинг бир четидаги Марғилон ва Улуғбек кўчаларига туташган жойдан 4,7 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Ниҳоят ўтган йилнинг июлида қурилиш иншоотида бунёдкорлик ишлари қизғин бошлаб юборилди. Аввал қудратли техникалар бир неча йиллардан буён қаровсиз, сувсиз, ташландиқ ҳолда ҳувиллаб, қақраб ётган бу жойларни текислаб, тартибга келтирди. Ер сатҳидан 250 метр чуқурликда жойлашган ичимлик суви қувурлар орқали юқорига олиб чиқилиб, мажмуага келтирилди. Бунинг шарофати билан теварак-атрофда истиқомат қилаётган маҳаллий аҳоли ҳам тирикликнинг бу неъматидан баҳраманд бўлди. Юқори сифатли коммуникация тизими вужудга келтирилди. Яратилган бундай қулай шарт-шароитлар иншоат қурилишини янда жадаллаштиришга ёрдам берди. "Андижон фуқаро лойиҳа" институти лойиҳачилари томонидан тайёрланган, ҳали ҳеч бир жойда қўлланилмаган ўзига хос ва бетакрор лойиҳалар савдо мажмуасининг қиёфасини безади.

— Бу иншоот нафақат шаҳримиз, балки вилоятимизда ҳам ягоналиги билан ажралиб туради, — дейди "Асака таманно омад люкс" МЧЖ раиси Алишер Толипов. — У ҳадемай ҳудуднинг энг гавжум савдо марказига айланади.

Яқин кунларда ишга туширилиши мўлжалланаётган янги мажмуа истиқлолимизнинг энг улуғ, энг азиз байрамига муносиб совға бўлади.Ундан ўрин олган 560 та замонавий дўкон, икки қаватли маъмурий идора биноси, "Асака" банк ОАЖнинг Асака филиали шахобчаси ва бошқа бир қатор маиший хизмат кўрсатиш объектлари, иншоотни уч томонидан ўраб турган автомобиллар тўхташ жойи туман, шаҳар аҳли ва меҳмонларининг доимий хизматида бўлади. Беш жойда ишлаб турган фаввора келиб кетувчиларнинг баҳри-дилини очиб, теварақда мўътадил иқлим яратади. Чор-атрофда кўзни яшнатиб турган яшил майдонлар, муаттар атрини таратаётган бир-биридан чиройли анвойи гуллар кўзингизни яшнатади.

Янги иншоот 560 нафар тадбиркорни ўзига бирлаштиради. Идоранинг ўзида 150 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Бу бир йўла 710 киши учун янги иш ўрни яратилди, деган гап. Агар уларнинг сафига банк хизмати ва бошқа соҳаларда фаолият юритадиганларни ҳам қўшадиган бўлсак мазкур кўрсатгичнинг салмоғи янада ортади. Кўраяпсизми, бугунги кун тадбиркори нималарга қодир? У ўз юртини севади, элига сидқидилдан хизмат қилади, эркин ва обод Ватанини доимо қадрлайди.



### Ўз соҳасининг заргари

Доно халқимиз "Зар қадрини заргар билади", дея бежиз айтмаган. Ахир ҳар бир соҳанинг ўз заргари бўлади. Ишнинг кўзини билганлар заргарона маҳорат билан меҳнат қилиб, ўз соҳасининг моҳир устасига айланади. Бугун ерга меҳр қўйиб, у билан тиллашаётган, сирлашаётган, эл дастурхонини турли ноз-неъматлар билан тўлдираётган асакалик фермер Ойбек Ибрагимов ҳам аслида ҳеч бир заргардан қолишмайди. Эҳтимол бу — деҳқончилик унинг қон-қонига сингиб кетганлигидандир. Балки, бобоси Хорунбой ота, отаси Фозилжон ака Ибрагимовлар кўп йил раислик қилган, бошқарган хўжаликдаги деҳқончилик ишларини энди ўзи давом эттириб келаётгани туфайлидир. Ёки шу ерда бир умр ишлаб келган, пахта, ғалла етиштириш билан шуғулланган ҳамқишлоқларининг бошини бир жойга қовуштириб, улар билан ўзи ташкил этган фермер хўжалигида баҳамжиҳат, қўлни-қўлга бериб ишлаётгани сабаблидир. Нима бўлганда ҳам Ойбек бугун ўз соҳасининг моҳир заргари, тумандаги илғор фикрли энг олди фермерларнинг бири. Деҳқончилик эса унга отасию бобосидан мерос қолган касб.

Ёшлигиданоқ даладан бери келмай, кенг экин майдонларидаги пайкалларни оралаб улғайган Ойбек айримлардек катта даргоҳларда ўқиб, мартабали ишларда ишлашдан кўра деҳқончилик билан шуғулланишни маъқул кўрди. Ахир ҳамма марказга интилаверса қишлоқдаги юмушларни ким бажаради? Эл дастурхонини ким ноз-неъматлар билан тўлдиради? Қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлашга бўлган катта иштиёқ уни Андижон пахтачилик институти томон бошлади. Олий ўқув даргоҳининг Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факультетига ҳужжатларини топшириб, имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Беш йил давомида бу ерда ўқиб, 1985 йили инженер-механик ихтисослигига эга бўлди. Ўқишни битирган олий маълумотли мутахассис ўз қишлоғига қайтди. Яна севимли даласида ишлаб, деҳқончилик билан шуғулланди.

2006 йилга келиб бутун мамлакатимизда бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам фермерлик ҳаракати кенг қулоч ёйди. Асака туманидаги қатор жамоа хўжаликлари ўрнида янги фермер хўжаликлари ташкил этила бошланди. Бундай имкониятдан фойдаланиб қолиш учун кўпчилик қўлидан келса-келмаса ўзини шу соҳага урди. Аммо Ойбек бу ишга шошилмади. Имкониятларини чамалаб кўрди. Ёнида ишлаётган одамларнинг эртанги тақдирини ўйлади. Ўзида фермер бўлишга қатъий ишонч ҳосил қилгандан сўнгина ариза кўтариб ҳокимиятга борди. Шу тарзда унинг раҳбарлигидаги "Фозилжон орзуси" фермер хўжалиги юзага келди. "Янги ҳаёт" жамоа хўжалигида кўп йиллар у билан бирга ишлаган 106 нафар ходим фермернинг мустаҳкам таянчи, қанотига айланди. Улар фақат ўз соҳасини яхши билганликлари учунгина эмас, балки бир жойнинг одами бўлганликлари учун ҳам Ойбекка қадрли эди.

Дастлабки йили 60 гектар майдонда фаолиятини бошлаган жамоанинг ишлари унумли бўлди. Уруғлик пахта ва ғалладан юқори ҳосил олишга эришди. Кейинги йиллардаги натижалар бундан-да қувонарли эди. Етиштирилган мўл-ҳосил асосан юқори навларга топширилди. Биргина шу йилнинг ўзида 62 гектар ердан 65 центнерга етказиб сара уруғлик буғдой олди. Давлатга режадаги 212 тонна ўрнига 240 тонна дон етказиб берилди. Хўжалик аъзолари энди 23 гектар майдонда кузги пиёз, 11 гектар ерда кунгабоқар, 10 гектарда эса ерёнғоқ етиштирмоқда. Германиядан уч тонна, Голландиядан 6 тонна уруғлик картошка олиб келиниб, маҳаллий шароитга мослаштирилмоқда. Ундан олинадиган ҳосилнинг 20 тоннаси келаси йилда экиш учун сақлаб қўйилади. Қолгани арзон баҳода аҳолига сотилади.

Қишлоқ мулкдори фақат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билангина кифояланиб қолаётгани йўқ. 2008 йили у ташкил этган машина-трактор парки бугун тумандаги кўпчилик фермерларга техника хизмати кўрсатиб келмоқда. Атиги 11 киши ишлаётган бу жамоа йил сайин мўмай даромад олмоқда. Етарли техника базаси МТПнинг ишлари унумли бўлишини таъминламоқда. Ишчан ва изланувчан фермер бу билан чекланиб қолмай яқинда янги агрофирма ташкил этди. Туманда етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг эҳтиёждан ортгани агрофирма орқали четга сотилиб, Ўзбекистонга сармоя келтирилади. Бундан кўзланган мақсад — эл фаровонлигини оширишдек хайрли ишларга баракали ҳисса қўшиш, тармоқнинг истиқболини таъминлаш. Асаканинг "Соҳибкор" адирликлари бағрида фермер "Исо" ва оҳак ишлаб чиқарувчи цехни ҳам ишга туширди. Янги тармоқда тайёрланаётган суюқликлар қишлоқ хўжалиги заркунандаларига қарши курашишда кенг қўлланилмоқда. Унда ишлаётган ўн бир ишчи Асака билан биргаликда қўшни туманлардаги фермерларга ҳам буюртма асосида "Исо" суюқлигини етказиб беряпти. Ҳашоратлардан тозаланган майдонларда ҳосилдорлик янада юқори бўляпти.

— Юртимиз бўйлаб фермерлик ҳаракати тобора кенгаймоқда, — дейди Ойбек Ибрагимов. — Шунга мувофиқ хорижнинг кунига 2 тоннагача маҳсулотни қуритиб, қадоқлайдиган линиясини ишга тушириш, 300 тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган холодилникни қуришга ҳаракат қиляпмиз. Бу туфайли яна 21 та янги иш ўрни яратаяпмиз. Чорвачиликни йўлга қўйишни мўлжаллаяпмиз. Шаҳар марказида савдо дўконлари очиб, аҳолини арзон гўшт, сабзавот маҳсулотлари билан таъминламоқчимиз.

Бу хайрли мақсадлар 800 кишилик вилоят сил касалликлари шифохонаси билан 9-мактабгача таълим муассасасини қишин-ёзин бепул сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаб келаётган, уларга ҳомийлик ёрдами кўсатаётган фермернинг шунчаки орзулари эмас, аксинча яқин ойлар ичида амалга ошадиган аниқ режаларидир. От изини той босар, деганларидек ўғли Шерзодбек отасининг ёнида дала юмушларига қарашмоқда. Омаджон профессионал бокс билан шуғулланиб, юртимиз довруғини оширмоқчи. Уч қизи эса ўзлари келин бўлиб тушган оилаларнинг мустаҳкам таянчига айланган. Шундай фарзандлари борлигидан Ойбек доимо фахрланади, оиласини қадрлайди. Аслида бу унинг бахту саодати ҳамдир.

**Рустам АҲМАДАЛИЕВ,**
«Adolat» мухбири



*Ўзбек кимёсаноати:*

# Икки пешқадам корхона

## жамоаларининг дадил одимлари

**Модернизация**

Бугун юртимизда эврилишлар палласи. Мамлакатимизнинг қайси гўшасига борманг, янгиликларга гувоҳ бўласиз. Кундан-кун чирой очаётган шаҳарлар, шаҳар қиёфасига кираётган қишлоқлар дилингизга завқ солади. Кенг ва равон йўлларда ўзимизда ишлаб чиқарилган темир «тулпор»ларда борар экансиз, ён теварангизда кўзга ташланувчи болга тўлган боғлар, яшил далалар кўзингизни олади. Йўл бўйида яратилган инфратузилма қулайликлардан баҳраманд бўлиб, қалбингизда ифтихор туйғулари жўш урганини сезасиз. Негаки, иқтисодий бўҳрон белини буккан дунёдаги манаман деган компаниялар бугун калаванинг учини топишни Ўзбекистондан ўрганаётгани ҳам бор гап. Тинч ва фаровон ҳаёт, ишлаб чиқариш учун қулай ва соғлом муҳит ҳамда ишончли шериклик хорижий сармоядорларни эндиликда Ўзбекистонга ошиқтираётганини уларнинг ўзлари эътироф этмоқда. Шу боис бугун мамлакатимизда кўплаб қўшма ва чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар бунёд топиб, ишлаб чиқариш қувватлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, «Ўзбеккимёсаноат» ДАК таркибидаги «Максам-Чирчиқ» ва «Аммофос-Максам» очиқ акциядорлик жамиятларида модернизация ишлари амалга ошириш, маҳсулот турлари ва салмоғи тобора ортиб бормоқда.



«Максам-Чирчиқ» ОАЖда жорий йилнинг ярим йилида 168,9 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 113,3 фоизга бажарилди. Корхонадаги шу ва бошқа янгиликлар хусусида корхона бош муҳандиси ўринбосари Неғматилла Исроиловга мурожаат қилдик.

— Корхонамизга 1932 йилда тамал тоши қўйилиб, 1940 йилда дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарган. Бугунги гўзал Чирчиқ шаҳрининг бунёд бўлиши ҳам ана шу пайтдан бошланган. Ўша замонларда «Химпром» деб аталган бу корхонада жайдари усулда, яъни, биз кимёгарларнинг тили билан айтганда гидролиз йўли билан маҳсулот олинган. Ҳозирги технологиялардан эса ақлинг шошади. Қисқача тарих шундай. Ўтган 72 йил давомида маҳсулот турлари ортиб, ишлаб чиқариш салмоғи ҳам ўтган даврдагидан кўра кескин ошди. Сўзим қуруқ бўлмасин. Модернизациядан сўнг суюлтирилган синтетик аммиак ишлаб чиқариш йилига 420 минг тоннага етди. Ушбу маҳсулот маҳаллийлаштириш дастурига асосан корхонамизда ишлаб чиқарилади.

Бу маҳсулотдан қишлоқ хўжалиги учун азот кислотаси, аммиакли селитра, карбамид, сулфат аммоний каби минерал ўғитлар ишлаб чиқарилса, паст зичликдаги аммиакли селитра саноатда асқотади. Чорвачиликни ривожлантиришда ҳам бизнинг маҳсулотнинг муҳим ўрни бор. Негаки, наслли буқаларнинг уруғи -196С° даражадаги суюлтирилган азот солинган махсус идишларда сақланади. Замонавий иситиш ва совутиш ускуналарини ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам ускуналарни ишлатадиган фрион моддасига табиат учун кони зарарлигини англагач азотга бўлган талаб янада ортди.

...Бўлим бошлиғи Алишер Азимовнинг айтишича, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишда муҳим омил бўлган карбамид минерал ўғитини ишлаб чиқариш модернизациядан сўнг йилига 270 минг тоннага етади. Испаниядан келтирилган ўрнатилаётган технология ана шундай имконият яратди. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган 235 минг тонна карбамиднинг 44 минг тоннаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида четга экспорт қилинди.



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тақдирини мана шу корхона билан боғлаган 6500 нафарга яқин ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимояси корхона раҳбариятининг доимий эътиборида. Соғломлаштириш маркази ва Бўстонлиқ туманининг хушманзара, сўлим ҳудудларида жойлашган «Оқтош» сиҳатгоҳи корхона ишчи-ходимларининг хизматида. Уларнинг фарзандлари учун қурилган оромгоҳлар ҳам болаларга тоғ ҳавосидан нафас олиб, табиат қўйнида яйраш имконини бермоқда. Корхона қошида ташкил этилган чорвачилик мажмуасида соғиб олинаётган сут ва ундан тайёрланаётган сут маҳсулотлари ҳам ишчи-хизматчилар учун дармон бўлаяпти.

Олмаликдаги «Аммофос-Максам» очиқ акциядорлик жамияти ҳам ўзбек кимё саноатининг йирик корхоналаридан бири. 1969 йилда ишга туширилган ушбу корхона ўтган давр мобайнида мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатди. Бироқ мақсад ва маслак ўша-ўша: қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олиш учун юқори сифатли фосфорли минерал ўғит ишлаб чиқариш.

2007 йилда Испаниянинг «MAXAMCORP INTERNATIONAL L.U.» компанияси билан «Аммофос» очиқ акциядорлик жамияти акцияларининг 49 фоизини сотиб олиш шартномаси имзолангач, компания амалдаги қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш ҳамда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун 30 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция ажратиш мажбуриятини олди. Ҳозир корхона цехларида техник ва технологик янгилаш тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур хом ашё эса Қизилқумдаги «Қизилқум фосфорит» комбинатидан келтирилмоқда. Техник сулфат кислотаси эса корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилади. 2001 йилдан бошлаб Қозоғистоннинг Қоратов фосфор унидан воз кечиб, маҳаллий хомашёга ўтилиши валюта заҳирасини иқтисод қилиш имконини берди. Ҳозир бу ерда экстракцияланган фосфор кислотаси, аммофос, супрефос, моноаммонийфосфат каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йили 82,7 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 104,6 фоиз уддаланди. Ишлаб чиқарилган соф ҳолдаги фосфорли ўғитлар 63 минг 568 тоннани ташкил қилди. Мазкур маҳсулотларни тайёрлашнинг асоси — сулфат кислотасини ишлаб чиқариш ҳажми капитал тиклаш таъмирлашдан сўнг бир кеча-кундузда 1000 тоннага етди. Режада бу кўрсаткич 1200 тоннага етиши мўлжаланган. Олдинлари бу кўрсаткич суткасига 600-700 тоннани ташкил этарди, холос.

Корхона тараққиётида бу ерда меҳнат қилаётган 3500 нафарга яқин ишчи-хизматчиларнинг беқиёс ҳиссаси бор. Чунончи, Шерали Имомов 25 йилдан буён корхонада меҳнат қилади. Умрининг энг гўзал кунлари ва ширин хотиралари ҳам шу ер билан боғлиқ. Бугун рафиқаси Фарида Имомова ва ўғли Элдорбек ҳам мана шу корхонада меҳнат қилишмоқда.

Камгап, содда ва камтарин бу инсондан корхонада ишчи-хизматчиларига яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда ўзининг йигирма беш йил бир жойда меҳнат қилиб нима топганига қизиқдик.

— Иссиқ овқат, қатиқ ва сут ошхонамиздан аримайди. Саломатлигимизни тиклаш учун Чимён тоғ ён бағридаги соғломлаштириш мажмуаси биз ишчи-хизматчилар хизматида. Корхонамизга қарашли «Кимёгар» маданият марказида маданий ҳордиқ чиқарсак, фарзандларимиз у ерда турли тўгаракларга қатнашиб, билимларини оширмоқда. Топганимга келсак, обрў-эътибордан ҳам зиёд бойлик борми?

Ҳа, меҳнат инсонни улуғлайди. Ўз касбини севиш, ҳалоллик ва фидойиликни ардоқлайдиган инсонлар нафақат жамоа, балки жамиятнинг ҳам зийнатидир.

Хулоса шуки, юқорида ҳикоя қилинган ўзбек кимёсаноатининг пешқадам икки корхонаси жамоаси мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи йўлида дадил қадамлар ташламоқдалар.

**Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ**

# Ходим меҳнати муҳофазасининг кафолати

**Суғурта**

Суғурта фаолиятининг қонунчилигимизда ўз аксини топган муҳим институтларидан бири — иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлигининг мажбурий суғуртаси ҳисобланади. "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонун эса аҳолининг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қонуннинг 4-моддасига биноан ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича иш берувчи ўз фуқаролик жавобгарлигини қонунда белгиланган шартлар асосида суғурталаши шарт. Албатта, ишчи ёки ходимнинг иш пайтида саломатлигига путур етгани учун иш берувчи томонидан тўланадиган тўловлар харажатлар миқдорининг ошишига сабаб бўлади. Бу, ўз навбатида, корхонанинг иқтисодий ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади. Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиниши эса унинг ходим олдидаги мажбуриятларини тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашга, шунинг баробарида, корхонанинг молиявий аҳволини яхшилашга, ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Қонуннинг 12-моддасида зарар миқдорини аниқлаш тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта товони жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида берилади. Касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўлов ёки касб касаллиги аниқлангунга қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида белгиланадиган ҳар ойлик тўлов; марҳумнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги, унинг ўзига ва қарамоғида бўлган, лекин етказилган зарарнинг ўрни қопланишига ҳақли бўлмаган, меҳнатга қобилиятли шахсларга тўғри келадиган улуш чегириб ташланган ҳолдаги ҳар ойлик тўлов; қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда жабрланувчига ёки наф олувчига бир йўла бериладиган нафақа тўлови; ходим вафот этган тақдирда иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш шартномасида белгиланган миқдорда дафн этиш харажатлари; иш берувчининг қўшимча харажатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ компенсация қилиш тарзида амалга оширилади. Ходимнинг ҳаёти ёки соғлиғига зарар ўрнини қоплашнинг белгиланган суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг оширилишига мутаносиб равишда кўпайтирилади. Бундан ташқари, жабрланувчига ёки наф олувчига суғурта ҳодисаси юз берганлиги муносабати билан етказилган маънавий зарарни компенсация қилиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хуллас, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ҳуқуқларини таъминлашда ўрни бениҳоя каттадир. Чунки ушбу қонун меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинишини таъминлайди ҳамда иш берувчининг ходимлар олдидаги масъулиятини янада оширади. Шунингдек, бахтсиз ҳодисалар туфайли иш берувчилар томонидан сарфланадиган йўқотишларнинг олдини олиш, жабрланувчиларнинг меҳнат жараёнида бахтсиз ҳодиса туфайли кўрган зарарининг ўрнини тез, одилона ва оқилона муддатда қопланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ҳам инсон манфаатлари ва унинг меҳнат ҳуқуқлари мамлакатимизда қанчалик қадрланишининг яна бир исботидир.

**Аброр ФОЗИЛОВ,**
ТДЮИ талабаси

**Ижтимоий ҳамкорларимиз минбари**

# Истеъмолчи ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

**ФАРҒОНА**

Қува туманида истиқомат қилувчи Б.Мирзаҳакимов туман марказида жойлашган савдо дўконидан 80 минг сўмга Қозоғистондан келтирилган бир қоп ун олди. Аммо уйда озгина хамир қорилганда ундан ҳатто зувала ҳам ясаб бўлмади, таъми тотиб кўрилганда эса нордонлиги маълум бўлди. Харидор дўконга бориб, ун истеъмолга яроқсиз эканлигини айтди. Аммо унинг гапларини эшитгиси келмаган сотувчи юзини тескари бурди.

Шундан сўнг, харидор туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилди.

Жамият мутахассислари ушбу ҳолат бўйича ўрганишлар олиб боришганида харидорнинг ҳақлиги аниқланди. Тадбиркор "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлардан воқиф қилинди, ун учун тўланган пул эгасига қайтарилди.

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ**

"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида "Истеъмолчи товарнинг ишлаб чиқарилишига, тузилишига, таркибига доир камчиликларни ёки бошқа нуқсонларни аниқлаган тақдирда сотувчи(ишлаб чиқарувчи) уни айни шундай маркали (моделли, артикулли) товарга етти кунлик муддатда, товар сифатини қўшимча равишда текшириш зарур бўлганида эса, истеъмолчи талаб қўйган пайтдан эътиборан йигирма кун ичида алмаштириб бериши шарт", дейилган.

Яқинда Сергели туман Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига Янгийўл туманида истиқомат қилувчи Қ. Исоқжоновдан ариза тушди. Унда фуқаро автомобиль эҳтиёт қисмлари бозоридан аккумулятор сотиб олганлиги, аммо кафолат муддати тугамасданоқ, яъни бир ярим ой ичида у носоз аҳволга келиб қолганлиги, аммо дўкон сотувчиси аккумляторни алмаштириб бермай, сарсон қилаётганлигини ёзган.

Жамият мутахассислари дўконда ўрганишлар олиб боришганида ҳақиқатан ҳам аккумуляторнинг бутунлай ишламаётганлиги, сотувчи томонидан эса юқоридаги модда талаблари бузилганлигини аниқлашди.

Шундан сўнг эҳтиёт қисм учун тўланган 170 минг сўм истеъмолчига қайтарилди, ҳақли талабни ўз вақтида бажармай харидорни сарсон қилгани учун сотувчи томонидан истеъмолчи фойдасига ҳал бўлган сумманинг ўтган ҳар бир куни учун бир фоизи миқдорида пеня ундирилишига эришилди.

**БУХОРО**

Бухоро шаҳрида яшовчи И.Шукурова марказий бозор ҳудудида жойлашган уяли алоқа воситалари сотиладиган дўкондан уяли алоқа телефонини 130 минг сўмга сотиб олди. Аммо эртаси куниёқ сотиб олинган телефоннинг носозлиги маълум бўлиб қолди. Харидор бу ҳақда дўкон сотувчисига мурожаат қилди. Аммо сотувчи: "Товар пластик карточка орқали харид қилинган экан, уни алмаштириб бера олмайман", деди.

Бундай "қоида"ни эшитган истеъмолчи ҳар қанча уринмасин, тушунтиришлари бефойда кетди. Ноилож қолган харидор Бухоро вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳудудий бирлашмасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ҳудудий бирлашма мутахассислари ушбу аризани ўрганганларида телефоннинг ҳақиқатан ҳам сифатсиз эканлигига амин бўлдилар. Ниҳоят сотувчи билан харидор ўртасидаги муаммога барҳам берилди. Яъни ушбу товар сифатлисига алмаштириб берилди ва нархлар ўртасидаги фарқ ўзаро ҳисоб-китоб қилинди.

**СУРХОНДАРЁ**

Сариосиё туманида истиқомат қилувчи З. Аллаев туман ҳудудида жойлашган О.Йўлдошевга тегишли бўлган савдо дўконидан "Новатор" русумли газ ҳисоблаш ускунасини харид қилиб, уйига олиб келди ва мутахассис ёрдамида ўрнатмоқчи бўлганида, унинг носозлиги маълум бўлган. Шундан сўнг истеъмолчи ушбу дўкон сотувчисига бориб газ ҳисоблагичини бошқасига алмаштиришни ёки унга тўланган 135 минг сўмни қайтариб беришини талаб қилган.

Аммо сотувчи бу талабни бажаришдан бош тортиб, амалдаги қонунга хилоф иш тутди. Шу сабаб истеъмолчи Сариосиё тумани Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига мурожаат қилиб, унинг кўмагида ускунага тўлаган пулини қайтариб олди.

**ХОРАЗМ**

Хоразм вилоят ИХҲҚЖ ҳудудий бирлашмасига Хива туманида истиқомат қилувчи М. "Ёқуб Раззоқ" эҳтиёт қисмлари бозори ҳудудида фаолият олиб бораётган якка тадбиркор Ф.Маҳмудовдан "Gepaid" сиғимидаги мойни 18 минг сўмга сотиб олганлиги, бироқ уни автомашинасига қуйиб фойдаланганда сифатсиз чиққанлиги, бироқ мойни алмаштириш борасидаги талаби пайсалга солиниб келинаётгани ҳақида ариза киритган.

Ушбу мурожаат юзасидан ўтказилган ўрганиш жараёнида харидор аризасида қайд этилган ҳолатлар ўз исботини топди ва сотувчига Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддаси "Нуқсонли товарларни алмаштириб бериш тартиби" тушунтирилди ҳамда аризачи иштирокида ўтказилган мулоқотдан сўнг товар сифатлисига алмаштириб берилди.

**СИРДАРЁ**

Сирдарё туманида истиқомат қилувчи нафақадаги фуқаро Қ.Қаршиев томонидан Сирдарё тумани Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига туман электр тармоқлари корхонасининг фаолиятидан норози бўлиб билдирган аризаси келиб тушди.

Аризада Қ.Қаршиев хонадонида ишлатилган электр энергияси учун 666 760 сўм миқдордаги қарздорлик мавжудлиги ҳақида тўлов хабарномасини олганлигини, аслида бу миқдорда қарздорлиги йўқлиги билдирилиб, мазкур ҳолатга аниқлик киритиб беришлик сўралган.

Жамият мутахассислари томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида қарздорлик далолатномаси корхона назоратчиси У.Тўрақулов томонидан белгиланган тартибга зид равишда тўлдирилганлиги ва истеъмолчининг хонадонида ўрнатилган ҳисоблагичнинг кўрсаткичлари, амалга оширилган тўловлари инобатга олинмасдан тузилганлиги аниқланди.

Ноқонуний ҳисобланган қарздорликка эса истеъмолчи хонадонидаги эски (индукцион) ҳисоблагич алмаштирилмаганлиги баҳона бўлган. Ушбу ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида туман электр тармоқлари корхонаси маъмуриятига мурожаат қилинди ва назоратчи томонидан тузилган далолатнома ноқонуний деб топилди ҳамда бекор қилинди. Истеъмолчи Қ.Қаршиевнинг ҳисоб-китобига аниқлик киритилиб, ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилинишига эришилди.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси масъул ходими **Умида МАНСУРОВА тайёрлади**

# Истиқлол куйчилари



**Мушоира**

Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилгандан буён, аниқроғи 1999 йилдан бери мамлакатимизнинг энг иқтидорли қизларидан 182 нафари мукофот соҳибаси бўлди. Эътиборлиси, уларнинг 42 нафари адабиёт йўналишида ижод қилиб келаётган истеъдод эгаларидир.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Истиқлолнинг 21 йиллигига бағишлаб ташкил этилаётган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг навбатдаги учрашуви «Сени куйлайман, Ватан» деб номланди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ташкил этилган ушбу тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол туфайли ёш қизларимизнинг санъат ва маданият соҳасидаги саъй-ҳаракатлари муносиб тақдирланаётганини ва уларга барча шарт-шароит яратиб берилаётганини алоҳида эътироф этишди.

— Илгари биз истиқлол, мустақиллик ҳақида шеърлар ёза олмас эдик, — деди Ўзбекистон Халқ шоири Абдулла Орипов. — Ёзадиган нарсамиз фақат пахта ва тракторлар ҳақида эди. Ҳозир ёшларимиз ўзгача муҳитда, ўзгача шароитда яшаб, истиқлолдан баҳра олиб ижод қилмоқдалар. Уларнинг ижод қилишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Мушоирада Зулфияхоним издошлари она Ватанга муҳаббат, ўлкамиз табиати таърифи ва истиқлол ҳислари билан йўғрилган шеърларини нафақат ўзбек тилида, балки инглиз, хитой, япон ва рус тилларидаги намуналарини ўқиб дилларни хушнуд этишди.

Мушоирада халқимизнинг севимли шоирлари, таниқли адиблари қатнашиб қизларнинг ижодига улкан баҳо беришди ва уларнинг келгусидаги ишларига муваффақиятлар тилашди.

**Ойбек ТОЖИБОЕВ**

**Ўқинг, бу қизиқ**

## Чекишнинг янги зарарлари аниқланди!

**Америкалик олимлар тамаки маҳсулотларини, айниқса, тонгда чекиш инсон саломатлигига катта зиён етказишини аниқлади.**




*Узоқ текширувлар натижасида маълум бўлишича, уйқудан уйғонгандан сўнг чекилган сигарет нафақат ўпка саратони, балки бош ва бўйин саратонини ҳам келтириб чиқаради. АҚШнинг Пенн Стейт тиббиёт коллежи вакиллари олиб борган тадқиқотлар натижасида эрта тонгда истеъмол қилинган тамаки маҳсулоти турли оғир хасталикларга чалиниш хавфини 79 фоиз ошириши маълум бўлди.*

## Ўғилдан дарак йўқ!

**Ҳиндистонлик Каилаш Сингх 38 йилдан буён чўмилмайди.**



*Маълумотларга қараганда, ҳаво ҳарорати ўртача 47 даража иссиқни ташкил этадиган Варанаси шаҳрида истиқомат қилувчи бу одамнинг танаси 1974 йилдан буён сув кўрмаган. Унинг соқоли қарийб икки метрни ташкил этади. Каилашнинг айтишича, узоқ йиллар аввал унга бир авлиё ўғил фарзанд кўриш учун чўмилмаслик ва ҳар кеча олов атрофида рақс тушиш лозимлигини уқтирган экан. Етти нафар қизнинг отаси ўшандан бери роҳибнинг айтган гапидан чиқмайди. Бироқ ҳануз ўғилдан дарак йўқ.*

# Электрон таълимга оид янги марказ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги давлат муассасаси шаклидаги таълим муассасаларида электрон таълимни жорий этиш маркази ташкил этилди. Ҳужжатда Марказнинг асосий вазифалари белгиланди.

"Электрон таълим" Миллий тармоғининг бошқарувчилик функциясини бошқариш ва амалга ошириш, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқув жараёни ва илмий-тадқиқот ишларини ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан видеоконференц-алоқа ва масофавий таълим услубларини қўллаган ҳолда ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг "Электрон таълим" Миллий тармоғининг ахборот-таълим ресурсларига уланишини ташкил этиш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шунингдек, Марказга олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида яратиладиган ва "Электрон таълим" миллий тармоғига киритиладиган электрон услубий комплекслар ва бошқа таълим ресурсларига ягона талабларни ишлаб чиқиш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари кадрларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаларида ишловчи педагоглар учун ўқув жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича махсус курсларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш, таълим жараёнида компьютер ускуналаридан самарали фойдаланишнинг таҳлили ва мониторингини амалга ошириш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги компьютер ва коммуникация воситаларини янгилаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш масъулияти юклатилди.

Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан, хайрия маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари, хўжалик фаолиятидан ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалардан олинган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Марказ Тошкент давлат техника университети биносида жойлашади.

**Моҳирабону АБДУРАҲМОНОВА**

**Саломатлик**

# Беминнат қуёш нури

## шамоллашнинг ҳам, саратон касаллигининг ҳам олдини олади

Қуёш нурлари инсон организмида саратон ҳужайраларининг вужудга келишига қарши табиий тўсиқ вазифасини ўтайди, деган хулосага келишди европалик олимлар кўп йиллик илмий тадқиқотлари натижасида. Қуёш нурларидан етарли баҳраманд бўлмаслик эса кўкрак саратони, ичак касалликлари ва хавфли ўсмаларнинг ривожланишини кучайтирар экан.

Мутахассисларнинг фикрича, қуёш нури соғлом ҳаёт кечиришнинг муҳим шартларидан биридир. Бизга оддийгина бўлиб кўринаётган нурдан таралаётган ультрабинафша нурлари иммунитетни мустаҳкамлаш, организмда моддалар алмашинувини таъминлаш ва иш самарадорлигини оширишимизда муҳим аҳамиятга эга.

Қуёш нурларининг иммун тизими фаолиятини оширишда муҳим аҳамиятга эканлигига яна бир мисол. Авваллари шамоллашнинг олдини олиш ва унга қарши курашишни кучайтириш мақсадида профилактик тарзда С витамини қабул қилинган бўлса, эндиликда юқумли касалликларни қўзғатувчи вирус ва бактерияларга қарши курашувчанликни таъминлашда Д ва А витаминларидан фойдаланиш заруратга айланган. Бу бежиз эмас, албатта: бу витаминлар қўмагида танамизда қуёш ваннаси ҳосил бўлади.

Текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, ультрабинафша нурлари терининг қайта тикланишига кўмак берибгина қолмасдан, уни бегона таъсирлардан тозалайди, ёшартиради.

Репродуктив саломатликни сақлашда, хусусан, аёлларда эстероген гормонлари, эркакларда эса тестостерона ҳосил бўлишини кучайтиришда ҳам бундай нурларнинг ҳиссаси катта.

Албатта, қуёш нурларини қабул қилишда ҳам меъёр қоидаларига амал қилиш жуда муҳим. Яъни, хавфсизлик қоидаларига амал қилмасдан, қуёш тиғида узоқ туриш жиддий муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Тадқиқотчилар офтобда керагидан ортиқ қорайиш иммун системасига зарар келтиришини таъкидлашмоқда. Масалан, узоқ вақт қуёш нурида турганларлар текширилганда, уларнинг кўпчилигида терининг тез қариш аломатлари кузатилган. Айниқса, кекса кишиларнинг юз териси бошқа ёшдагиларга нисбатан нисбатан қуёш нурларини кўпроқ ўзлаштирар экан.

Муаммо шундаки, қуёш нурида туришни ҳаддан ортиқ севсангиз, у сизни меланома — тери саратони билан мукофотлаб қўйиши ҳеч гап эмас экан. Бундай касалликка дучор бўлган беморлар сони ҳар йили 5 фоизга ортиб, аёлларда учрайдиган кўкрак саратони хасталигидан кейинги ўринга чиқиб олгани аниқланган.

Хўш, меъёрдаги миқдорни қандай қилиб билиш мумкин? Бу жуда ҳам осон. Офтобда маълум вақт турганингиздан кейин баданда ҳосил бўлган енгил қизариш меъёр даражаси етарли эканлигини билдиради. Бундай қизариш организмнинг етарли миқдорда қуёш нурларидан тўйинганлигини ва энди соя-салқин жойга ўтиш лозимлиги тўғрисидаги буйруғи, жавоб реакцияси ҳисобланади. Бу «сигнал»дан сўнг ҳам офтобда тураверсангиз, офтобда куйиб қолишингиз мумкин. Бу эса сизнинг тери саратонига чалинишингизга олиб келиши эҳтимолидан йироқ эмас.

Агар сиз жуда қисқа фурсатда, офтобда безарар, чиройли қорайишни истасангиз, бунинг жуда осон йўли бор ва бу усул ҳаётингиз учун умуман хавфсиздир. Бунинг учун овқатланиш рационига фойдали маҳсулотларни киритиш, яъни қуёш нури таркибидаги инсон учун зарур элементларни организмингизга сўрилишини тезлаштирадиган маҳсулотларни истеъмол қилиш кифоя. Қуйида улардан баъзиларини санаб ўтамиз.

**Сабзи.** Катта миқдордаги бетакаротинга бой мазкур сабзавот қуёш нурларидан самарали фойдаланишни истовчилар учун кони фойда. У организмда қуёш нурларининг узоқ вақт сақланишига ёрдам беради.

**Ўрик.** Баданда қисқа муддатда қизариш белгиларининг содир бўлишини тезлаштиради.

**Шафтоли.** Иссиқда куйиб қолишнинг олдини олади ва бир маромда тиниқ қизаришни таъминлайди.

**Сарсабил.** Ультрабинафша нурларидан ҳимоялайди ва тери саратони ривожланишига табиий тўсиқ яратади.

**Исмалоқ.** Танада узоқ вақт «офтоб» рангини сақлайди, ультрабинафша нурлар зараридан ҳимоя қилади.

**Помидор.** Тери саратони ва унинг ривожланишига кескин қаршилик кўрсатувчи, тез қорайишни таъминловчи хусусиятларга эга.

**Балиқ.** Терини ташқи таъсирлардан самарали ҳимоялайди, тери қуриши ва пўст ташлашини даф қилади.

**Тарвуз.** Терини ультрабинафша нурларнинг зарарли таъсиридан ҳимоялайди, организмнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиради, қорайишдан ҳимоя қилади.

**Қовун.** Танани тез ва чиройли қизғиш рангга киришига кўмак беради.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**
**тайёрлади**

## Яшартирувчи шоколад

**Буюк Британиянинг Кембриж университети биокимёгарлари яшартирувчи шоколад рецептини ишлаб чиқди.**



*Хабарларга қараганда, «Coco-Lycosome» номли янги турдаги ингредиент қўшилган ушбу шоколадни истеъмол қилган одамда кексайиш жараёни анча сусаяди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ушбу ширинлик таркибидаги какао инсон қони ва терисини флаванол кислороди билан таъминлайди. Янги ингредиент эса организмнинг флаванолни сўриб олиш хусусиятини йигирма фоизга оширади. Яқин кунларда ушбу шифобахш шоколадни жаҳон бозорига чиқариш режалаштирилмоқда.*

# Тадбиркорларга яна бир қулайлик

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи билан умумий фойдаланувдаги телекоммуникация тармоқларида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларига ўзгартиришлар киритилди.



Қоидаларда тадбиркорлик субъектларининг телефон тармоғидан фойдаланишини таъминлаш бўйича иш муддатларини қисқартириш кўзда тутилган. Энди хўжалик субъектларининг телефон тармоғига уланиши 10 кун ичида таъминланиши зарур.

Эслатиб ўтамиз, бундан олдин шундай ишларни бажариш муддати қуйидаги муддатлардан ошмаслиги керак эди:

— ариза берилган кундан бошлаб 30 кун — техник имкониятлар мавжуд бўлганида;

— пудрат шартномаси тузилган пайтдан бошлаб 180 кун — техник имкониятлар бўлмаган тақдирда ва етишмаётган линияларни ариза берувчининг ҳисобидан ўтказишни инобатга олган ҳолда.

**Шаҳриёр ЖАЛОЛОВ**




## Баҳайбат кит

**Австралиянинг Сидней шаҳридаги Ньюпорт пляжида жойлашган ҳовуздан узунлиги 12 метрли китнинг жасади топилди.**



*Китларни қутқариш жамиятининг маълум қилишича, бу жониворнинг оғирлиги қарийб 30 тоннага тенг. Экспертларнинг тахминига кўра, кит океанда кема билан тўқнашиб кетган ва ҳалок бўлган. Сўнгра тўлқинлар таъсирида соҳилдаги ҳовузга тушиб қолган. Ундан тарқалаётган ёқимсиз ҳид акулалар галасини чақириши эҳтимоли борлиги туфайли ҳовуз вақтинча ёпиб қўйилган. Ҳозир бу баҳайбат китни ҳовуздан чиқариш устида бош қотирилмоқда.*

**ADOLAT**
ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

**Таҳрир ҳайъати:** Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмоил САИФНАЗАРОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖЎРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МЎМИНОВ.

**Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи:** Абдували СОЙИБНАЗАРОВ

**Бўлимлар:** Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — *236-57-14*;
Маданият, ахборот, спорт ҳамда хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — *236-54-39*;
Қабулхона — *236-53-14*; *233-40-86* (факс);
Котибият — *233-41-89*.

**Навбатчи муҳаррир** — Фарҳод ЭСОНОВ.
**Навбатчи** — Ғулом ХИДИРОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.*

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 200

ISSN 2091-5217

Таҳририят манзили: *100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.*

adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г— 800. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 6462.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилди — 22.30
1 2 3 4 5